



MILLIY TIKLANISH

6 (327) ● 2015 йил 10 февраль, сешанба ● Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси
 ЎзМТДП — www.mt.uz Тахририят — www.milliytiklanish.uz 2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган



Алишер Навоийнинг бой адабий мероси бадий мукамаллиги, маънавий-ахлоқий, тарбиявий жиҳатдан ҳар қандай давр учун долзарб масалаларнинг қаламга олингани билан нафақат ўзбек мумтоз адабиёти, балки жаҳон адабиёти ва умуминсоний маънавиятда алоҳида ўринга эга

3 ПАРТИЯ ҲАЁТИ



Истиклол Ўзбекистон халқ шоири Зулфия номини абадиётга муҳради. Унинг мунаввар сиймоси Тошкентнинг сўлим гўшасида қад кўтарди. Пойтахтимизнинг обод кўчаларидан бирига шоиранинг номи берилгани унинг ижодига чексиз ҳурмат намунаси

5 МАЪНАВИЯТ



Навоний давлат педагогика институтини қошидаги академик лицейда мингга яқин ўқувчи замонавий шароитларда таҳсил олмақда. Бу ерда ижтимоий-гуманитар, хорижий филология ҳамда табиий фанлар чуқурлаштирилган тарзда ўқитилади

6 ЖАРАЁН



● **ЎзМТДП ҳаёти**

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг съезди

Тошкентда шу йил 7 февраль кuni Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг IV съезди бўлиб ўтди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар партия ташкилотлари конференцияларида сайланган делегатлар, ЎзМТДП Марказий кенгаши, Марказий назорат-тафтиш комиссияси, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Съездда 2015 йил 29 март кuni бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг муносиб иштирокини таъминлаш ва партиядан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига кўрсатилган номзодни тасдиқлаш масалалари муҳокама этилди.

— Юртимизда амалга оширилаётган демократик ислохотлар натижасида сиёсий партиялар учун тенг ҳуқуқ ва имкониятлар яратиб берилди, — деди ЎзМТДП Марказий кенгаши раиси Сарвар Отамуратов. — Ана шундай имкониятлардан тўла фойдаланиш, партия электорати манфаатлари ҳамда дастурий мақсад-вазифалардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида муносиб иштирок этиш партия электорати учун тенг ҳуқуқ ва имкониятлар яратиб берилганини таъкидлади. Ана шундай имкониятлардан тўла фойдаланган ҳолда партия электорати ҳамда дастурий мақсад ва ҳолатлардан келиб чиқиб, жорий йилги Ўзбекистон Республикаси Президентлигига бўлиб ўтадиган сайловларда иштирок этиши белгиланган. Шунга асосан партиянинг яқинда бўлиб ўтган II Пленумида ЎзМТДПнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида иштирок этиши тўғрисида қарор қабул қилинди.

Съездда Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига тавсия этилган номзод, ЎзМТДП фракцияси аъзоси Акмал Саидов маъруза килди. Музокара учун сўзга чиққан ЎзМТДП Марказий кенгаши раиси ўринбосари У.Мухаммадиев, Олий Мажлис Сенати аъзолари Б.Матмуратов, Ш.Арипова, партия Жиззах вилоят кенгаши раиси Ф.Қодиров юртимизда амалга оширилаётган демократик ислохотлар натижасида сиёсий партиялар учун тенг ҳуқуқ ва имкониятлар яратиб берилганини таъкидлади. Ана шундай имкониятлардан тўла фойдаланган ҳолда партия электорати ҳамда дастурий мақсад ва ҳолатлардан келиб чиқиб, жорий йилги Ўзбекистон Республикаси Президентлигига бўлиб ўтадиган сайловларда иштирок этиши белгиланган. Шунга асосан партиянинг муносиб иштирокини таъминлаш энг муҳим вазифадир.

Амалдаги сайлов қончилигига асосан Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига партиядан номзод кўрсатиш партиянинг олий органи — съезд томонидан амалга оширилади. Шундан келиб чиқиб, съездда Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод кўрсатиш масаласи ҳам муҳокама қилинди. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясидан Акмал Саидов номзодини кўрсатиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

2-бет

Она Ватанимизнинг миллий манфаатлари йўлида фидокорона хизмат қилиш — бизнинг асосий ғоямиз

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиядан кўрсатилган номзод Акмал Саидовнинг Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг IV съездидаги маърузаси

Ассалому алайкум, ҳурматли съезд делегатлари ва иштирокчилари!

Партияимизнинг тўртинчи съезди Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлови билан боғлиқ йирик ижтимоий-сиёсий кампания қизгин паллага кирган бир пайтда ўтмоқда. Эътиборли томони шундаки, Ўзбекистон халқи ушбу сайловда, авваламбор, миллий манфаатларимиздан келиб чиқиб, ҳар бир оила ва фарзанд келажак учун, юрт тинчлиги, Ватан ободлиги, танлаган йўлимиздан ҳеч оғишмай боришимиз учун овоз беради.

Сўзим аввалида Сиз, ҳурматли съезд делегатлари ва иштирокчиларига ҳамда кўп минг сонли, яъни 180 мингдан ортиқ партиядошларимизга

менга билдирган юксак ишончи учун самимий миннатдорчилик изҳор этмоқчиман. Бу ишонч менга жуда катта масъулият юклашини тўла ҳис этиб турибман.

Бугун биз энг муҳим синов даврига қадам қўйдик. 2015 йил 29 март кuni бўлиб ўтадиган сайлов яна бир бор мамлакатимизда тобора ривожланиб, чуқурлашиб бораётган демократик жараёнларнинг ўзига хос ёрқин намоёнлиги бўлиши шубҳасиз. Президент сайловида муҳим аҳамиятга молик сиёсий тадбирга партиямиз ҳар томонлама пухта тайёргарлик билан келди, деб айтсак, муболага бўлмайди.

Юртимизнинг турли ҳудудларида бўлганимда, айниқса, яқинда бўлиб ўтган Олий Мажлис Қонунчилик па-

латасига сайловлар доирасида партиядошларимиз ва сайловчиларимиз билан ўтказган учрашувлар пайтида миришқор деҳқонлар ва чорвадорлар, моҳир саноатчилар ва тадбиркорлар, ўқитувчилар ва шифокорлар, зиёлилар ва фермерлар, энг муҳими, қалб кўри ловуллаб турган ёшларимиз Ўзбекистонда, шу жумладан, ўзлари яшаётган ҳудудларда рўй бераётган демократик ўзгаришларни кўзлари ёниб, ҳаяжон ва ғурур билан сўзлаганларини кўп марта эшитдим.

Ҳақиқатан ҳам, мустақиллик йилларида мамлакатимизнинг тараққиёт асослари ва кафолатларини мустақамлаш, халқимиз манфаатларини ҳимоялаш, турмуш фаровонлигини юк-

салтириш йўлида тарихий ютуқлар кўлга киритилди.

Ўзбекистоннинг демократик ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини ривожлантириш борасидаги муваффақиятлари бугун жаҳонда эътибор ва эътирофга сазовор бўлмоқда.

Мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим масалалари юзасидан сиёсий партияларнинг нуқтаи назари тўлиқ ҳисобга олинмоқда, бу улар дастурларининг ҳаётий бўлишини, янада такомиллашувини тақозо этмоқда.

2-бет

● **Электорат минбари**

Китоб — муҳим тарбия воситаси

Ўзбекистоннинг оддий бир фуқароси сифатида ён-атрофимизда рўй бераётган воқеа-ҳодисалар, ўзгаришлар ва янгилишларни қиёсан мунтазам кузатиб бораман. Мамлакатимизда чиндан ҳам тарихан қисқа муддат ичида улғувор ишлар амалга оширилди.

Айниқса, кейинги пайтда бир ҳолат — одамларимизда мамлакатимизда рўй бераётган янгилишлар, юрт келажакига дахлдорлик ҳисси кучайиб бораётгани диққатни тортмоқда. Улар ҳаётнинг тараққиёт суръатлари билан ҳамқадам бўлишга интиломоқда. Узоққа бормай ўз ҳаётимдан бир мисол келтирай: касбим ўқитувчи. Телевидениеда эфирга узатиладиган ахборот дастурларини қолдирмай кўраман. Кўпга даврий нашрларга обуна бўлганмиз. Уларни ҳам сонма-сон ўқиб бораман. Менга биров айнан шундай қил, демаган, ўргатмаган ҳам. Бу мен учун оддий ҳол, кундалик ишга айланган. Тўрт партия ичидан

"Миллий тикланиш"ни танлаганим ва унга хайрихоҳ бўлишимга ҳам ана шу одатим асосий сабаб бўлган, десам адашмаган бўламан.

Мамлакатимизда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда маҳаллий кенгашларига бўлиб ўтган сайлов жараёнида телевидениедаги партиялараро сайловолди баҳс-мунозараларни барчамиз қизиқиб кузатиб бордик. Уларда ўзлари мансуб бўлган партиянинг муносабати ёхуд шахсий фикр ва қарашларини эмин-эркин билдираётган ёшларни кўриб ҳавас қилдик. Улар ахир бизнинг келажакимиз ҳақида қайғураётган, биз бошлаган эзгу ишлар давомчилари эмасми?

Мана шундай баҳслар давомида сиёсий партиялар сайловчиларга жуда кўп ваъдаларни беришди. "Миллий тикланиш" партияси вакилларининг ёшларни китобга муҳаббат руҳида тарбиялаш борасидаги фикрлари эътиборимни тортди. Бу, айниқса, ахборот глобаллашуви туфайли турли мафкуравий таъсирлар, ёшлар тафаккурини эгаллашга қаратилган ғаразли хуружлар кучайган бугунги даврнинг энг долзарб масаласидир. Аммо, ёш авлодни китобга муҳаббат руҳида тарбиялаш ўз-ўзидан бўлмайди. Бу вазифани амалга оширишнинг аниқ механизмлари бўлиши зарур. Биз сайловчилар, партия электорати вакиллари ЎзМТДП ушбу мақсадни амалга оширишда аниқ лойиҳаларни илгари суришини кутамиз ва бунга ишонамиз.

Дилафрўз МУҚУМОВА,
Термиз давлат университети ўқитувчиси

● **Партия гуруҳларида**

Мақсад аниқ

уни самарали амалга ошириш масъулият юклайди

2-бет

● **Сайлов — 2015**

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси ва Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси вакиллари Марказий сайлов комиссиясига Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларни рўйхатга олиш учун зарур ҳужжатларни тақдим қилди.




Марказий сайлов комиссиясида

Тадбирда Марказий сайлов комиссияси аъзолари, сиёсий партиялар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

4-бет

"Milliy tiklanish" газетасига обуна бўлинг!

Нашр кўрсаткичи — 158



Она Ватанимизнинг миллий манфаатлари йўлида фидоқорона хизмат қилиш — бизнинг асосий ҒОЯМИЗ

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясидан кўрсатилган номзод Акмал Саидовнинг Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясининг IV съездидаги маърузаси

(Давоми. Бошланғич 1-бетда)

Сиёсий партиялар давлат ҳокимиятининг олий вакиллик органларида кўпроқ ўринларни қўлга киритиш орқали ўз дастурий ғояларини амалга ошириш, ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг стратегик вазифаларини ҳал этишда сезиларли сиёсий таъсир кучига эга бўлиб бормоқда.

Сиёсий партияларнинг етуқлик даражаси ва фаолиятининг самарадорлиги, фуқароларимизнинг дунёқараши ва фаол фуқаролик позициясининг кучайиши, уларнинг сиёсий-ҳуқуқий маданияти тобора юксалиб бораётгани юртимизда изчил амалга оширилаётган конституциявий ислохотларнинг асоси, ҳал қилувчи шарти ҳамда гаровига айланаётганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Қадрли партиядошлар!
Шубҳасиз, Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлови мамлакатимизнинг бу йилги сиёсий ҳаётида энг катта воқеа ҳисобланади. Ушбу сиёсий жараёнда партиямизнинг муносиб иштирок этишига барчамиз ишонч билдирамиз.

Партияимиз ўзининг қатъий белгиланган дастурий мақсад-вазифаларини амалга ошириш учун миллий қонулар ва умумэтироф этилган халқаро стандартларга таянган ҳолда фаол ҳаракат қилади.

Шу ўринда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзоднинг сайловчилар эътиборига ҳавола этадиган Сайловолди дастури муҳим аҳамият касб этишини таъкидлаш жоиз. Дастур Ватанимиз ва халқимиз манфаатларига уйғун ва ҳамоханг бўлиши ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Ушбу Сайловолди дастури ҳақида тўхталадиган бўлсам, у еттига устувор йўналишдан иборат бўлиб, асосий ғоялар ва вазифалар партиямизнинг ўтган йилги халқ вакиллик органларига бўлиб ўтган сайловдаги сайловолди Платформаси асосида шакллантирилди.

Сизларнинг эътиборингиз учун Сайловолди дастурида белгиланган ана шу асосий йўналишлар ҳақида мухтасар маълумот бериб, айрим муҳим вазифаларга қисқача тўхталиб ўтмоқчиман.

Биринчи йўналиш — ижтимоий-сиёсий соҳада миллий ғоя, жамиятимизнинг ахлоқий ва маънавий асослари устуворлигини таъминлаш.

Бунда, хусусан, “маҳалла” миллий демократик фуқаролик институтини янада такомиллаштириш, давлат ва фуқаролик жамияти ўртасида ижтимоий шерикликни ривожлантириш бўйича ташкилий-ҳуқуқий ва иқтисодий чораларни кўриш муҳим саналади. Шу билан бирга маҳаллий вакиллик органлари ҳузурида жамоатчилик комиссияларини тузиш, амалиётга нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини изчил ва демократик рағбатлантириш тизимини жорий этиш каби вазифаларни амалга ошириш муҳим аҳамият касб этади.

Бизнинг асосий мақсадимизни ифода этадиган шиоримиз шундай: **Миллий тикланиш орқали замонавий ривожланган демократик давлат сари.**

Иккинчи йўналиш — маънавий-маърифий соҳада миллий ўзликини англашни юксалтириш, миллий гуруҳ ва кадр-қиммат ҳиссини мустаҳкамлаш.

Бу борада ўзбек халқининг тарихий, маданий ва интеллектуал мероси, бой маданияти ва аъёнларини кўз қорачигидек асраб-авайлаш ва бойитиш, эл-юртимиз ютуқларини навқирон ва баркамол авлод орасида кенг тарғиб қилиш, ёшлар онгини халқимиз маънавиятига ёт бўлган “оммавий маданият”нинг салбий таъсиридан муҳофаза қилиш мақсадида ёшларни миллий тикланиш ғояси, миллий маданияти ва кадриятларни эъзозлаш руҳида тарбиялаш асосий мақсад сифатида намоён бўлади. Шунингдек, давлат тилини бойитиш ва такомиллаштиришга, тилимизнинг ўзаро муомала маданияти сифатидаги ўрни ва мақомини янада юксалтиришга йўналтирилган чора-тадбирлар мажмуини ишлаб чиқиш, оммавий муомалада ўзбек адабий тили меъёр ва қоидалари бузилишининг олдини оладиган аниқ мақсадли ишларни олиб бориш, оила ва оилавий кадриятларни мустаҳкамлаш, ёш оилаларга ғамхўрликни ошириш бўйича кенг қўламли ишларни изчил давом эттириш зарур.

Миллий кадриятларимиз ҳимояси — бош вазифамиз.

Учинчи йўналиш — суд-ҳуқуқ соҳасини янада демократлаштириш. Бу соҳадаги устувор вазифалар қуйидагилардан иборат. Аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий онгини юксалтиришни таъминлаш. Зеро, ҳуқуқий маданият ва инсон ҳуқуқлари маданияти юксалиши миллий ҳуқуқий тизим етуқлигининг кўрсаткичи ҳисобланади. Мамлакатда ҳуқуқий таълим тизимини янада такомиллаштириш, Конституция ва инсон ҳуқуқлари ҳамда демократия асосларини узлуксиз ўрганиш тизимини ривожлантиришга қаратилган асосий ва изчил чораларни кўриш, жинсий қонунчиликни янада либераллаштириш ва инсонпарварлаштириш, айрим жиноятларни дикримизациялаш сиёсатини давом эттириш лозим бўлади. Оила, мерос, уй-жой даъволари ва маиший турмушда учраб турадиган айрим низоларни судга ҳал этиш тизимини ривожлантириш, шу жумладан, ҳар қандай низони тинч йўл билан ҳал этишга интилиш ва муроса йўллари билан ҳал қилиш, фуқароларимизнинг сирташвиш суд мажлисларига қўп ҳам хоҳиш-истаги йўқлигини инобатга олиб, бу борада маҳалла, васийлик ва ҳомийлик органлари, нодавлат нотижорат ташкилотларининг хизматидан фойдаланишни ривожлантириш керак.

Тўртинчи йўналиш — иқтисодий соҳада “Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган” бренди билан жаҳон бозорига маҳсулот етказиб беришга йўналтирилган тизимли чора-тадбирларни амалга ошириш. Иқтисодий ҳақида сўз борганда, шунингдек, ишлаб чиқаришни техник ва технологик модернизация қилишни кучайтириш, истиқболли ишлаб чиқариш билан шуғулланаётган корхоналарга солиқ ва мажбурий тўловлар масаласида имтиёзлар бериш йўли билан маҳаллий санаот самардорлигини янада ошириш, миллий бозорни сифати паст, халқаро андозаларга мос келмайдиган маҳсулотлар, ишлар ва хизматлардан муҳофаза этиш ҳамда қўлай сармоя муҳитини шакллантиришни ҳуқуқий асосларини ривожлантириш устувор вазифа ҳисобланади. Миллий туризм ва сайёҳлик инфратузилмасининг янада ривожланишини, сайёҳларга мўлжалланган объектларнинг ҳар томонлама мақбул бўлишини, транспорт ва меҳмонхона хизматлари ва умуман, сайёҳлик логистикаси билан боғлиқ хизматларнинг барча қўлайликларини, соҳага замонавий ахборот технологияларини жорий этишни таъминлаш муҳимдир.

Бешинчи йўналиш — ижтимоий соҳа билан боғлиқ бўлиб, бош вазифа аҳоли турмуш сифати, даражаси ва фаровонлигини оширишдир. Ушбу вазифани тўлақонли бажариш учун озик-овқат хавфсизлигини таъминлашни янада кучайтириш, уй-жой қурилиши ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш, ёш оилаларга имтиёзли фойзаларда узоқ муддатли ипотека кредитлари ажратилишига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Маҳалланинг фуқаролар, ёшларни маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш, ижтимоий соҳадаги ишларнинг самарадорлигини ошириш, жойларда жамоат хавфсизлиги ва ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш, давлат бошқаруви органларини фаолиятли устидан жамоатчилик назоратининг таъсирчанлигини кучайтириш билан боғлиқ масалаларни ҳал этишда саъй-ҳаракатларини фаоллаштириш, оғир касалликлар, шу жумладан, одамнинг иммунитет танқислиги вирусини келтириб чиқарадиган хасталиклардан (ОИВ/ОИТСдан) заҳид чекувчи болалар, аёллар ва бошқаларга самарали ёрдам кўрсатишни изчил давом эттириш, шунингдек, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилиши устидан парламент ва жамоатчилик назоратини кучайтириш долзарб аҳамият касб этади.

Халқи соғлом ва баркамол ривожланган мамлакат кучи ва қудратлидир.

Олтинчи йўналиш — ахборот соҳасидаги устувор вазифалар. Булар қаторига, аввало, глобаллашув жараёнида халқимиз миллий маданиятининг ўзига хослигини сақлашни таъминлашга қаратилган миллий ахборот-коммуникация соҳасини ривожлантиришнинг узоқ муддатли стратегиясини ишлаб чиқиш қиради. Бу борада, шунингдек, миллий ахборот тизимлари ва миллий ахборот ресурсларини такомиллаштириш, миллий ахборот хавфсизлигини таъминлаш вазифаларини ҳал этиш лозим.

Еттинчи йўналиш — ташқи сиёсат соҳасидаги вазифалар.

Бунда, жумладан, халқаро майдонда мустақил Ўзбекистон миллий манфаатларини қатъий ва изчил ҳимоя қилиш, Ўзбекистон халқининг маданияти ва санъати ютуқларини кенг миқёсда тарғиб этиш, Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги ижобий имиджини мустаҳкамлаш партиямизнинг устувор вазифасидир. Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва юридик шахсларининг хорижий давлатларда ҳуқуқ ва манфаатларининг ҳар томонлама ҳимоя қилинишни таъминлаш, инсоният цивилизацияси-

нинг азалдан Шарқ ва Ғарбни бирлаштириб келган, дунё халқларининг сиёсий, иқтисодий ва маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорлик алоқаларини ташкилий-институциявий ва ҳуқуқий жиҳатлардан мустаҳкамлаш ҳамда кенгайтиришда муҳим ўрин тутадиган Буюк ипак йўлини қайта тиклаш, жозибадор “Буюк ипак йўли” брендини илгартириш лозим.

Бизнинг асосий ғоямиз — Ўзбекистоннинг буюк келажагига бор билим ва малакамиз, интеллектуал салоҳиятимиз ҳамда ижодий куч-қудратимизни бағишлаш орқали Ватанимизнинг миллий манфаатлари йўлида фидоқорона хизмат қилишдир.

Ҳурматли съезд делегатлари!

Ишончим комилки, партиямиз Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида муносиб иштирок этади ҳамда сайловнинг демократик тамойилларга риоя қилган ҳолда ва сайловчиларнинг юқори фаоллигида ўтишга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшади. Биз сайловолди ҳаракат дастурини кенг ташвиқ қилиш билан бирга, аҳолини партиямиз ғоялари ва дастурий мақсад-вазифалари билан атрафлича таништирамиз. Партиямиз сафдошлари ва хайрихоҳлари сонининг ортишига интиламиз.

Мана шундай муҳим сиёсий жараёни фаоллик ва уюшқоқлик, юқори даражадаги ташкилотчилик ва самарадорлик билан ўтказишда барчангизга муваффақиятлар тилайман.

Сўзининг охирида истиқлол йилларида шаҳар ва қишлоқларимизнинг кўрки тамомила ўзгариб, туддан очилиб бораётганига эътиборингизни қаратмоқчиман. Юртимизнинг барча ҳудудларида қанчадан-қанча замонавий ҳамда гўзал иншоотлар, дунёда тенги йўқ санаот корхоналари, равон йўللар ва кўприklar, шифохона ва мактаблар, коллеж ва лицейлар, маданият ва спорт мажмуалари бунёд этилди. Мўтабар аждодларимизнинг не-не зиёратгоҳлари обод бўлди. Қўлаб намунавий уй-жойлар, гузарлар, замонавий инфратузилмалар қурилди ва бу саъй-ҳаракатлар изчиллик билан давом эттирилмоқда.

Миллий кадрият ва аъёнларимизни тиклаш, маънавият ва маърифатни юксалтириш борасида амалга оширилаётган бу каби улкан бунёдкорлик ишлари, биринчидан, бугунги авлоднинг саодатли ҳаётини таъминлаётган бўлса, иккинчидан, келгуси авлодлар учун бахтининг мустаҳкам пойдевори бўлмоқда. Қолаверса, миллий тикланиш йўлидаги шахдам одимларимиз улғун аждодларимиз руҳларини ҳам шод этаётган бўлса, ажаб эмас.

Бинобарин, мамлакатимиз ҳали ўз мустақиллигини қўлга киритмаган, собик тўзум ҳукмрон бўлиб турган бир даврда, яъни 1991 йилнинг январидан 1991 йил Алишер Навоий йили, деб эълон қилинган эди. Айнан ушбу йилнинг 31 августидан Ўзбекистонимиз мустақил бўлди. Истиқлол йилларида мамлакатимизда миллий маънавиятимизни тиклаш, уни замон талаблари асосида ривожлантириш борасида бекиёс ишлар қилинди ва бу ишлар изчиллик билан давом эттирилмоқда. Маънавиятимизни янада юксалтириш йўлида амалга оширилаётган ишлар, бу соҳада эришилган марралар сабаб давлатимизнинг кўпгина манаман деган давлатлардан ҳам ўзиб кетганини бутун дунё тан олмоқда.

Юртимизда ҳар томонлама соғлом ва баркамол бўлиб ўлаётган ёшларимиз, барча юртошларимиз бугунги саодатли кунларимизга шукроналиқ, эртанги ёруғ келажагимизга қолми ишонч руҳи билан яшамоқда. Зеро, Ватанимиз буюк бобоқалонимиз орзу қилганидек тобора юксалиб бормоқда.

Алишер Навоий ҳазратлари давлатманд инсон сифатида юртни обод қилиш, халқ фаровонлигига ҳисса қўшиб яшашни ҳаётининг мазмуни, деб бўлиб. Урта аср муаррихлари улғун мутафаккирнинг ўз маблағи ҳисобидан ҳашаматли бинолар, масжидлар ва мадрасалар, шифохона ва кутубхоналар, йўл ва кўприklar, озода кўчаю гузарлар, боғу роғлар бунёд эттирганини қайд этган. Бу жиҳатдан кўпчиликка ибрат бўлган Навоий асарлари орқали ҳам инсониятни бир умр бунёдкорлик руҳи билан яшашга, ўзидан яхши ном қолдиришга ундаган.

Айтмоқчиманки, кадрли партиядошлар, ана шу улғун аждодларимизнинг муносиб ворислари сифатида Ўзбекистоннинг бугунги кунини ҳамда буюк келажаги йўлида бор билим ва малакамиз, ижодий куч-қудратимизни бағишлаш орқали она Ватанимизнинг миллий манфаатлари учун фидоқорона хизмат қилишимиз талаб этилади.

Шундагина партиямизни қўлаб-қувватладиган сайловчиларимиз ишончини оқлаган бўламиз. Шундагина Ватанимиз ва халқимиз олдида юзимиз ёруғ бўлади.

© Партия гуруҳларида

2014 йилги сайлов натижаларига кўра, Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясининг парламент ва маҳаллий кенгашларида аввалги сайловга нисбатан салмоқли депутатлик ўрнига эга бўлгани, айниқса, маҳаллий кенгашларида депутатларимиз сонининг аввалги сайловга нисбатан 18 фоизга ортгани илғор ташаббусларни амалга ошириш, электорат манфаатларини ҳимоя қилиш имконини янада кенгайтиради. Бу борада ЎзМТДП Самарқанд вилоят, туман ва шаҳар кенгашларининг сайловдаги иштироки ва натижаларини ҳам ижобий баҳолаш мумкин.

Мақсад аниқ

уни самарали амалга ошириш масъулият юклайди

Аввалги сайловда халқ депутатлари Самарқанд вилоят, туман ва шаҳар кенгашларида ЎзМТДПдан 84 нафар депутат сайланган бўлса, яқинда бўлиб ўтган сайлов натижаларига кўра бу кўрсаткич 109 нафарни ташкил этди. Айниқса, халқ депутатлари Самарқанд вилоят, Каттакўрғон, Иштихон, Жомбой, Пайарик, Тайлок, Самарқанд туман кенгашларида партиямиз кўпроқ депутатлик ўрнини қўлга киритиб, муваффақиятли натижаларга эришди.

Ўзбекистон Республикасининг “Сиёсий партиялар тўғрисида”ги қонунига мувофиқ, барча ҳудудий вакиллик органлари қатори халқ депутатлари Самарқанд вилоят, туман кенгашларида ҳам янги таркибдаги ЎзМТДП гуруҳлари шакллантирилди. Сон ва сифат жиҳатдан янада такомиллашган мазкур партия гуруҳлари ўз фаолиятида ЎзМТДП сайловолди Платформасида белгиланган мақсад-вазифаларни самарали амалга ошириш, электорат ва аҳоли манфаатлари йўлида хизмат қилишга киришди.

— Сайлов кампанияси даврида ҳудудий кенгашларимиз билан мустаҳкам ҳамкорликнинг йўлга қўйилгани, сайловчилар билан мунтазам учрашувлар ташкил этилиб, бу жараёнда ахборот технологияларидан самарали фойдаланилгани кўпроқ депутатлик ўрнини эгаллашмизда муҳим омил бўлди, — дейди ЎзМТДП Самарқанд вилоят кенгаши Ижроия қўмитаси девони етакчи мутахассиси Шодирё Алимов. — Депутатларимиз таркибининг 10 фоизга яқинини 30 ёшгача бўлган ёшлар, 26 фоиздан зиёдини хотин-қизлар ташкил этмоқда. Бу кўрсаткич жамиятимизда аёллар ва ёшларнинг ўрни тобора мустаҳкамланиб бораётганини ифодалайди. Янги таркибда иш бошлаган барча партия гуруҳлари зиммасида ўзларига билдирилган ишонччи оқлаган ҳолда самарали фаолият олиб бориш масъулиятини тўрибди. Бу борада депутатларимиздан фаоллик ва ташаббускорлик, партия ишига масъулик талаб этилади.

Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясининг ҳаётга изчил татбиқ этилаётгани сиёсий партияларнинг халқ депутатлари маҳаллий кенгашларидаги партия гуруҳлари фаолиятини самарали йўлга қўйишни тақозо этмоқда. Шунингдек, 2009 йилда бўлиб ўтган сайловдан буён қонунчиликка киритилган қатор ўзгариш ва қўшимчалар депутатлар ҳамда партия гуруҳларининг ваколатларини янада кенгайтирди.

Уларнинг ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, электорат манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги имкониятлари кучайтирилди. Айниқса, Конституцияимизнинг 103-моддасига киритилган ўзгаришга мувофиқ вилоят, туман ва шаҳар ҳокимининг тегишли халқ депутатлари кенгашига ҳудуд ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг энг муҳим ва долзарб масалалари юзасидан ҳисоботлар тақдим этиш мажбурияти, шунингдек, “Сиёсий партиялар тўғрисида”ги қонуннинг 14-моддасига киритилган ўзгаришга мувофиқ Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар, Тошкент шаҳар ҳамда шаҳарлар (вилоятлар марказлари) кенгашларига тегишли сиёсий партиядан камида беш нафар номзод сайланган тақдирда партия гуруҳи тузилиши белгилаб қўйилди. Энди депутатлар ўз ҳуқуқларидан самарали фойдаланиши ва шу орқали электоратни

ўйлантираётган масалаларга ечим топиш, партия дастурий мақсад-вазифаларини амалга оширишда жонқуярлик билан ҳаракат қилишлари зарур.

Бундай тузилмалар жойларда партия дастурий мақсадларини амалда рўёбга чиқаришда асосий функцияларни амалга айлантириш лозим. Айнан шу ерда сиёсий партияларнинг дастурий мақсадлари, манфаатлари ифода этилиб, депутатлар ўз фикрларини илгартириш сурадиган баҳс ва рақобат бўлиши муҳим аҳамиятга эга.

Ўтган даврда халқ депутатлари Самарқанд вилоят, туман кенгашларининг партия гуруҳларининг ижтимоий-иқтисодий масалаларини ҳал қилиш, ижро этувчи ҳокимият органлари фаолияти устидан депутатлик назоратини олиб бориш, жойларда қонулар ва қарорлар ижросини тегишидаги иштироки анча фаоллашгани кузатилади. Ана шу жиҳатларга эътибор қаратган ҳолда янги таркибда тузилган партия гуруҳлари эришилган муваффақиятлар, тўпланган тажриба ҳамда йўл қўйилган камчиликлардан тўғри хулоса чиқариб, ўзининг келгуси беш йиллик фаолиятини тизимли ва изчил ташкил этиши долзарб аҳамиятга эга.

Бу гал 2009 йилги сайловга нисбатан вилоят кенгашидаги депутатлар сони 3 нафарга кўпайгани партия гуруҳи имкониятларининг янада кенгайтиради. Партия гуруҳи йиғилишида ЎзМТДП сайловолди Платформасида белгиланган вазифалар, депутатларнинг тақлиқ-мулоҳазалари асосида 2015 йил учун иш режа тузиб олинди. Депутатлар иختисоси, тажрибаси ва салоҳиятидан келиб чиққан ҳолда йўналишлар белгиланди. Партия гуруҳи фаолиятида ҳужжатлар билан ишлашни тўғри йўлга қўйиш мақсадида ҳар бир бажарилган ишнинг ҳисоботини юристишга келишиб олинди. Бундан ташқари, туман кенгашларидаги ЎзМТДП депутатлари билан самарали ҳамкорликни кучайтириш учун бир қатор тадбирлар, ўқув-семинарлар режаси тузилди. Партия гуруҳи аллақачон халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари депутьаларига масалалар киритишни бошлади. Депутатлар режалаштирилаётган биринчи ташаббус-масала — партия сайловолди Платформасида белгиланган маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш, вилоятда уларга янада кенг имкониятлар яратиш масаласи. Бу борада вилоят Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо бошқармасига депутатлик сўрови билан муурожаат қилиб, ҳамкорлик йўлга қўйилди.

Дарҳақиқат, сайловчи ишончини оқлаш, ўз вазифаларини масъулият билан бажаришга киришган бундай партия гуруҳларининг саъй-ҳаракатлари эътиборга молик. Айтиш мумкинки, вилоятдаги барча партия гуруҳида ЎзМТДП мақсад-вазифаларини амалга ошириш, партия позициясини ҳаётга изчил татбиқ этиш, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга қўламакчилик, қонунларнинг ижроси устидан назорат таҳлил фаолиятини олиб бориш, депутатлик сўровлари, депутатлик муурожаати каби ваколатларни самарали қўллаш масалалари кўриб чиқилиб, иш режалари тузилгани изчил фаолият омилдир. Янги таркибда фаоллик билан иш бошлаган партия гуруҳлари дастурий мақсад-вазифаларимиз рўёбда ўз амалий ҳаракатлари билан муносиб ҳисса қўйиши шубҳасиз.

○ Навоий ижоди ва ёшлар



Навоийни ўрганиш саодати

Алишер Навоийнинг инсон камолоти бағишланган улкан маънавий мероси ҳар бир давр учун бебаҳо тарбия хазинасидир

Бир болага бутун мамлакат, Баъзан эса қирқ киши керак. Бешиқлардан тушиб болалар Навоийни ўқиши керак.

Ўзбекистон халқ шоири Сирожиiddин Саййид қаламига мансуб ушбу сатрларда ҳам Алишер Навоий ижодининг ёшлар маънавиятида қандай бекиёс ўрин тутиши намоён. Аслида ҳам шоир ижоди йўлимишни ёритувчи маърифат чироғи. Буюк бобоклонимизнинг бой адабий мероси бадий мукаммаллиги, маънавий-ахлоқий, тарбиявий жиҳатдан ҳар қандай давр учун долзарб масалаларнинг қаламга олингани билан нафақат ўзбек мунтоз адабиёти, балки жаҳон адабиёти ва умминсоний маънавиятда алоҳида ўринга эга. Навоий асарларининг сеҳри ва қудрати шундаки, уларда инсонни маънавий камолотга даяват этувчи туйғулар — ҳам-жиҳатлик, тинчлик ва осойишталик, бунёдкорлик, ватанпарварлик, ҳалоллик сингари эзгу ғоялар тараннум этилган. Шоир асарларида илгари сурилган ғоя ва қарашлар орадан беш асрдан зиёд вақт ўтсада, ўз аҳамияти ва қиммати йўқотмай келаётганига сабаб ҳам шу — сўз ва фикр умрзоқлигида!

Шу қунларда мамлакатимизнинг барча ҳудудида сўз мулкнинг султони, мутафаккир, давлат ва жамоат арбоби Алишер Навоий таваллудининг 574 йиллиги муносабати билан турли маънавий-маърифий тадбирлар, адабий-бадий кечалар ўтказилмоқда. Уларда шоир адабий меросининг халқимиз, айниқса, ёшлар маънавиятида тугган ўрни кенг тарғиб қилинмоқда. Ана шундай тадбирлардан бири ЎзМТДП

Тошкент шаҳар кенгаши томонидан ташкил этилди. "Навоий назмига боқсанг..." мавзусидаги тадбирда истиқлол йилларида Алишер Навоий ҳаёти ва ижодини ўрганиш, унинг адабий меросини асраб-авайлаш ва келажақ авлодларга етказиш йўлида кенг қўламли ишлар амалга оширилаётгани таъкидланди. Ҳа, бугунги даврда ҳам ҳаётнинг мураккаб саволларига Навоий закосидан жавоб топамиз. Умрида Навоий ҳикмати эшитмаган, унга амал қилиш ҳақида ўйлаб қўрмаган ўзбеки топиш қийин. Зеро, Президентимиз "Юксак маънавият — энгилмас куч" асарига таъкидлаганидек "Инсон қалбидининг қувончу қайғусини, эзгулик ва ҳаёт мазмуни Навоийдек теран ифода этган шоир жаҳон адабиёти тарихида камданкам топилди. Она тилига муҳаббат, унинг бекиёс бойлиги ва буюклигини англаш туйғуси ҳам бизнинг онгу шууримиз, юрагимизга аввало, Навоий асари билан кириб келади. Биз бу бебаҳо меросдан халқимизни, айниқса, ёшларимизни қанчалик қўл баҳраманд этсак, миллий маънавиятимизни юксалтиришда, жамиятимизда эзгу инсоний фазилатларни қарор топтиришда шунчалик қудратли маърифий қуролга эга бўламиз".

— Ёш авлодни юксак маънавиятли инсонлар этиб вояга етказиш, уларни ватанпарварлик, юртга садоқат руҳида тарбиялашда Алишер Навоий асарлари бекиёс аҳамиятга эга, — дейди партия Тошкент шаҳар кенгаши Ижроия қўмитаси девони бошлиғи Даврон Сафаров. — Бугунги глобаллашув даврида Навоий меросига қайта-қайта мурожаат этиш, унинг

асарларида ўз ифодасини топган инсонни камолотга етказувчи эзгу ғояларни ёшлар онгига сингдириш тобора долзарб аҳамият касб этмоқда. Алишер Навоийнинг ибратли ҳаёти ва ижодини ёшлар орасида тарғиб қилиш, шоирнинг бой ва мукамал адабий меросидан баҳраманд қилиш партияимиз ғоя ҳамда мақсадларига ҳар жиҳатдан мос ва ҳамоҳангдир. Бу каби маънавий-маърифий тадбирлар, навоийхонлик кечалари ёшларни миллий маънавий-тарихий қадриятларимизга ҳурмат руҳида ва ўтмиш меросимизнинг ҳақиқий билимдонлиги қилиб тарбиялаш, уларда ватанпарварлик, миллий ғояга садоқатлилик, ажодларидан фахрлиниш туйғусини камол топтириш сингари партияимиз сайловоти Платформасида белгиланган мақсад-вазифалар ижросида бекиёс аҳамият касб этади.

Ҳа, Алишер Навоий шарқ шеърятинида мавжуд деярли барча жанрларда ўзбек тилида бадий юксак асарлар яратиб, ўзбек адабий тили ва адабиётининг бой имкониятларини намоён этди, унинг жаҳон сўз санъатидаги мақомини мустаҳкамлади. У нафақат шоир сифатида, балки давлат ва жамоат арбоби сифатида юрт равнақи, халқ фаровонлиги йўлида ибратли ва эътирофга лойиқ ишлар қилди. Озарбайжоннинг улуғ шоири Фузूलӣ ўз девонининг дебютида Алишер Навоийни "Манзури шохоншохи Хуросон" деб улуғлагани ҳам бежиз эмас. Зеро, Навоий темирлият давлатида салтанат ишларида даврият арбоби сифатида юрт ривожини, халқ фаровонлигига фаол таъсир кўрсатган шахсдир.

Каромат МУЛЛАХҲҲАЕВА, навоийшунос олина, ЎзМТДП фаоли:

— Алишер Навоий ижоди тубсиз умонга ўхшайди. Шоир асарларини ўқир эканмиз, ҳар сафар ундан янги бир мазмун, янги жиҳатларни топаверамиз. Навоий инсонни улуғлайди, ёшларни комил шахс бўлиб вояга етишга ундайди. Айни пайтда ҳар бир киши эзгу ном қолдириши, умрини яхшиликлар қилиш билан безаши муҳимлигини ўқиради. Шу боис унинг асарлари ҳар бир давр учун долзарб ва аҳамиятини йўқотмай келмоқда. Истиқлол йилларида мамлакатимизда Навоий меросини ўрганиш, асарларини нашр этиш, мазмун-моҳиятини кенг тарғиб-ташвиқ қилиш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Президентимиз ташаббуси билан бу борадаги ишлар ҳар томонлама рағбатлантирилиб, шоир асарлари жамланган йигирма жилдик ва ўн жилдик тўпламлар халқимизга тақдим этилди. Шоирнинг ижод намуналари жаҳон халқларининг кўплаб тилларида таржима қилиниб, олимлар, кенг жамоатчилик томонидан катта қизиқиш билан ўрганилмоқда. Қолаверса, шоир мероси бастакор ва хонанда, созанда, мусавирлар учун битмас-туганмас илҳом манбаи бўлиб хизмат қилаётир. Натижада янгидан-янги кўшиқлар, адабий, бадий, тасвирий санъат асарлари яратилмоқда. Бу эса халқимизнинг буюк шоир ижодида бефарқ эмаслигини, аксинча, унинг адабий меросини ўрганишга бўлган қизиқиш тобора ошиб бораётганидан далолатдир.

Нозима ҲАМРОҚУЛОВА, ЎзМТДП Тошкент шаҳар кенгаши Ижроия қўмитаси девони етакчи мутахассиси, тадбир иштирокчиси:

— Буюк бобоклонимиз Алишер Навоий асарларига мактаб давридаёқ меҳр қўйганман. Шоир қаламига мансуб кўплаб ҳақиқатларни ёд биланман, улар қалбим мулкига айланган. Шоирнинг қайси бир асарини олмайлик, хоҳу газаёл ё достон бўлсин, уларнинг бари биз ёшларни мудом яхшилик, эзгулик, бунёдкорлик, ватанпарварликка чорлайди. Бугунги тадбирда Алишер Навоий ҳаёти ва ижоди борасида навоийшунос олимлар билдирган қизиқарли фикрлар, қимматли маълумотлар шоир ижодини ўрганишга бўлган қизиқишимни янада оширди. Бундай тадбирларни мунтазам ўтказиш биз ёш авлод вакилларининг шоир асарлари моҳиятини янада теран англашимизда айнаи мудоао бўлади.

Тадбирда мутафаккир ижодий оламнинг ёшлар маънавиятини юксалтиришдаги ўрни ҳамда аҳамияти ҳақида атрофлича сўз юритилди. Алишер Навоий газалларидан намуналар ўқилиб, улар билан айтиладиган кўшиқлар ижро этилди. Навоий ҳаёти ва ижодига оид саҳна кўринишлари намойиш этилди.

○ Хроника

Ёшлар маънавиятини юксалтириш

ЎзМТДП эътиборида

КОРАҚАЛПОФИСТОН

ЎзМТДП Амударё туман кенгаши "Оммавий маданият" таҳдидларининг ёшлар маънавий онгига таъсири" мавзусида давра суҳбати ташкил этди. Тадбирда ёш авлод маънавиятини турли зарарли оқимлар таъсиридан ҳимоялаш, улар қалби ва онгига Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат туйғуларини чуқур сингдириш, миллий аңана ва қадриятларимизни изчил тарғиб этиш "оммавий маданият"га қарши курашининг энг самарали усули экани таъкидланди.

Давра суҳбатига ёшларни халқимизга ёт ва зарарли "оммавий маданият" таъсиридан муҳофаза қилишнинг янги услуби ва йўллари ҳақида фикрлашилди. Хусусан, шу мақсадда ёшларни ахборот-ресурс марказларига кўпроқ жалб этиш, таълим муассасаларидаги ўқувчиларнинг мамлакатимиздаги мавжуд маданий-тарихий ёдгорлик масканларига оммавий ташрифларини уюштириш, театрларда очик эшиклар қунини ташкил этиш сингари партия сайловоти Платформасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлашга қаратилган фикр-мулоҳаза ва таклиф билдирилди.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ

ЎзМТДП Олмазор туман кенгаши "Ёшлар қаноти" "Китоб — тафаккур хазинаси" мавзусида тадбир ташкил этди.

— Инсон тафаккурининг мунаввар чироғи, чинакам мўъжизалардан бири бўлмиш китоб ақлни чархлайди, фикрни бойитади, маънавийни юксалтиради, — деди партия туман кенгаши раиси М. Юнусов. — Китоб ўқиган кишининг эътиқоти мустаҳкамланиб, дунёқарши кенгайиб боради, эстетик диди шаклланади. Камолот оstonасидаги авлодни китобга муҳаббат ва ҳурмат-эътиром руҳида тарбиялаш, ёшларни ахборот-ресурс марказларига кенг жалб этишга кўмаклашиш партияимиз сайловоти Платформасида белгиланган муҳим вазифалардан. Шу боис китобхонлик қаратилган маънавий-маърифий тадбирларни ташкил этишга алоҳида эътибор қаратялгимиз.

Китоб — хазиналар қалити, тафаккур манбаи. Шунинг учун ҳам халқимиз уни нондай азиз ва мўътабар деб ҳисоблаган. Ёшларни китобга қизиқтириш, уларни янги нашр этилаётган сара асарлар билан таништиришга қаратилган бу каби тадбир ва маънавий-маърифий кечаларни мунтазам уюштириш лозим.

СИРДАРЁ

ЎзМТДП вилоят кенгаши "Ёшлар қаноти" ҳамда Боёвут туман кенгаши ҳамкорлигида "Баркамол авлод — келажагимиз пойдевори" мавзусида тадбир ўтказилди. Унда сўз олганлар ахборот глобаллашуви, ёшлар тафаккурига қаратилган гаразли хуружлар тобора кучаяётган бугунги кунда фақат мустақил фикри ва қатъий нукта назарига эга ёш авлодгина ўз келажагини қуришга қодир эканини қайд этдилар.

Таъкидланганидек, бугун мамлакатимизда миллий истиқлол ғояларига содиқ, мустаҳкам ва мустақил ҳаётий позицияга эга баркамол авлод камол топмоқда. Тинчлик-осойишталикни асраб-авайлаш, жаҳонда юз бераётган турли сиёсий жараёнларнинг мазмун-моҳиятини тушунтириш, хусусан, ёшларда улар маънавиятига салбий таъсир ўтказувчи ёт ғояларга қарши мафкуравий иммунитетни шакллантиришга қаратилган тарғибот тадбирларини мунтазам ўтказиш лозим. Бу эса кенг билимли, эркин ва мустақил фикрлайдиган, ўз қарашлари, хатти-ҳаракати ва ҳаёт тарзи билан миллий маънавий қадриятларга, ватанпарварлик ва инсонпарварлик ғояларига садоқатли ёшларни тарбиялаш, вояга етказиш сингари партия дастурий мақсад-вазифалари рўйбеда муҳим ўрин тутаяди.

ХОРАЗМ

ЎзМТДП Хоразм вилоят кенгаши "Ёшлар қаноти", "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармаси вилоят бўлими, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Урганч шаҳар кенгаши ҳамкорлигида самбо бўйича болалар ва ўсмирлар ўртасида очик биринчилик ўтказилди. Унда эллиқдан зиёд болалар ва ўсмирлар ўзаро куч синашдилар.

— Болаларнинг галабага бўлган иштиёқини кўриб, қалбимиз ғурурга тўлди, — деди партия вилоят кенгаши Ижроия қўмитаси девони етакчи мутахассиси Аскар Султонов. — Иштирокчилар орасидан келажақда халқаро мусобақаларда юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қила оладиган маҳоратли спортчилар етиштириш чизиғига ишонамиз. Бу каби спорт бешлушувларини ўтказиш жисмонан соғлом ёш авлодни тарбиялаш вояга етказиш, болалар ва ёшларнинг спорт билан мунтазам шугулланиши учун қулай шарт-шароитлар яратишга кўмаклашиш сингари партия сайловоти Платформасида белгиланган мақсад-вазифалар билан ҳамоҳанг ва уйғун.

Қизиқарли ва муросасиз ўтган беллашув якунида голибларга партия ва ҳамкор ташкилотларнинг фахрий ёрлик ҳамда эсдалиқ совгалари топширилди.

НАМАНГАН

Ёшларга оид қонунлар ҳамда давлат дастурлари улар манфаатларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий пойдевори бўлиб хизмат қилмоқда. Аммо шиддат билан ўзгариб бораётган бугунги давр бу соҳадаги ишлар қўламини янада кенгайтириш, ёшлар манфаатларини таъминлашга қаратилган ҳуқуқий асосларни мустаҳкамлаш, улар учун янги имкониятларни яратиш беришини тақозо этмоқда. ЎзМТДП Янгиқўрғон туман кенгаши ва "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати туман кенгаши ҳамкорлигида "Юксак маънавият ёшлар — юрт келажаги" мавзусида ўтказилган давра суҳбатида партиянинг бу борада олиб бораётган ишлари муҳокама қилинди.

Истиқлол йилларида мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида ишлаб чиқилган тараққиётнинг "ўзбек модели" асосида ёшлар ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашнинг ҳуқуқий, ташкилий асослари яратилгани, уларнинг салоҳияти, истеъдодини рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлашнинг мустаҳкам механизми шакллантирилгани эътироф этилди. Мамлакатимизда келажагимиз вояларининг жисмонан бақувват, маънан етук бўлиб ўлгайиши, юксак таълим-тарбия олишига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, соҳага оид 20 дан ортиқ қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар бу борада мустаҳкам ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Тадбирда мазкур йўналишдаги саъй-ҳаракатларга кўмаклашиш, ёшларни Ватанга муҳаббат, миллий қадрият ва урф-одатларимизга садоқат руҳида тарбиялаш, уларнинг сиёсий-ҳуқуқий билимини ошириш, ташаббусларини рағбатлантиришга қаратилган партия "Ёшлар қаноти"нинг янги, таъсирчан лойиҳалари устида иш олиб бориш зарурлиги таъкидланди.

○ Бошланғич партия ташкилотлари — бош таянчимиз

Партия ғоя ва мақсадларини омма орасида кенг тарғиб-ташвиқ қилиш, дастурий вазифаларни амалга ошириш, энг муҳими, ижтимоий қатлам ҳамда электротат манфаатларини ҳимоялашда бошланғич партия ташкилотларининг ўрни ва аҳамияти катта. Бу аҳолининг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, партия кадрлари захирасини шакллантириш нуктаи назардан ҳам муҳим аҳамиятга эга. Ҳозирда 125 нафар партия аъзосини бирлаштирган республика "Хунарманд" уюшмаси Наманган вилоят бошқармаси қoшида ташкил этилган қўйи бўғин партия қoғларини кенг тарғиб этиш, электротат манфаатларини таъминлашда алоҳида фаоллик кўрсатаётир.

Қўйи бўғинлар

партия ғояларини изчил тарғиб этишда юқори ва самарали имкониятга эга

билан, Хуршида Ҳайитбоева 25 турдаги попопчилик маҳсулотлари, Марғуба Турғунова эса 35 хилдаги чоқли ва уй-рўзгор буюмлари билан қатнашди. Айтиш жоиз, уюшма ҳамда қўйи бўғинимиз саъй-ҳаракатлари билан вилоят бўйича хунармандлар устахоналарида 82 "Устоз-шогирд" мактаблари ташкил этилган. Уларда уч юз нафардан зиёд ёшлар турли хунар сирларини ўрганишмоқда.

Ўтган йили қўйи бўғин аъзолари ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, ёшларни ёт ғоялар ва турли салбий иллатлардан ҳимоялаш, уларнинг саводхонлигини оширишга қаратилган "Мафкуравий иммунитет ва ғоявий курашчанлик жамиятимиз барқарор тараққиётни гаровидир", "Мустақиллик — улуғ неъмат", "Истиқлол ва миллий қадриятлар", "Ватан келажаги сенинг қўлингда", "Тиббий маданият — саломатлик омили", "Эл соғлиги — юрт бойлиги", "Маҳаллам — фахрим", "Мен хунардан бахт топдим" ва "Истеъдоднингни синаб кўр" каби мавзуларда маънавий-маърифий ва тарғибот тадбирлари ўтказилди.

Наманган шаҳрида уй бекалари ва қўшимча хунар ўрганиш истагида бўлган

маҳалла аёлларига хунар ўргатишни йўлга қўйиш мақсадида партия ва "Хунарманд" уюшмаси вилоят бошқармаси аъзоси Марғуба Тўраева раҳбарлигида ўқув маркази ташкил этилди. Яқинда "Қадамжо" маҳалла фуқаролар йиғинига қарашли бино марказ иштироғига топширилиб, унинг фаолияти кенгайтирилди. Натижада бу ерда хотин-қизлар малакали уста-хунармандлардан турли либослар, пардалар ҳамда меъбел ғилфаларини тикиш сирларини ўрганишяпти.

Ўтган йил давомида мазкур қўйи бўғинга фуқаролардан 350 дан ортиқ мурожаатлар келиб тушган. Уларнинг деярли барчаси кўриб чиқилиб, ижобий ҳал этилди. Шунингдек, 2012 йилда "Хунарманд" уюшмаси вилоят бошқармаси, қўйи бўғин ҳамда бир қатор ташкилотлар ҳамкорлигида хунармандларга имтиёзли кредитлар олиш ҳуқуқини берувчи жами 50 миллион сўмлик, 2013 йилда эса 40 миллион сўмлик сертификатлар топширилди.

— Сиёсий куч атрофига бирлашган фуқаролар партия ғояларидан келиб чиққан ҳолда мамлакат миллий манфаатларини ифода этишда зиммаларидаги масъули-

ятни теранроқ ҳис этадилар, — дейди қўйи бўғин етакчиси Улуғбек Исоқов. — Партияга аъзо бўлган кишиларнинг сиёсий жараён тўғрисидаги илк тасавури, қарашлари айнан бошланғич ташкилотда шаклланади. Демак, аъзоларнинг қанчалик фаол бўлиши бевосита бошланғич партия ташкилотлари фаолиятига боғлиқдир. Модомики шундай экан, тинимсиз изланишимиз, ҳали тўлиқ ишга солинмаган имкониятлардан унумли фойдаланиб, жорий йилда электротат ичига янада чуқурроқ кириб боришимиз, сайловчиларга берилган ваъдалар, дастурий мақсад-вазифаларни масъулият билан бажаришимиз лозим.

Бир сўз билан айтганда, партия ғояларини изчил тарғиб этишда ҳеч бир бўғин бошланғич ташкилотлар каби юқори ва самарали имкониятга эга эмас. Фақат уларни тўлиқ ишга солиш, эришилган натижалар билан беришга қўламли, электротат манфаатларини таъминлашга қаратилган изчил фаолият олиб бориш керак. Шундангина хайрихоҳлар сафи янада кенгайиб, кўзланган мақсадларга албатта эришилади.

— Партия ишини янада жонлантириш, хусусан, мамлакатимизда ижтимоий-сиёсий, иқтисодий соҳаларда юз бераётган туб ўзгаришлар, изчил ислохотлар мазмун-моҳиятини оммага етказишда қўйи бўғин замон талаблари даражасида фаолият олиб бориши лозим, — дейди ЎзМТДП Наманган вилоят Кенгаши раиси Одилжон Мамадалиев. — Улар фаолиятини намунали йўлга қўймай туриб, кўзланган натижага эришиб бўлмайди. Партия қўйи ташкилотларининг чинакам таянч эканлиги, айниқса, яқинда бўлиб ўтган сайлов кампанияси жараёнида янада яққол намоён бўлди. Вилоят партия ташкилотимиз уларнинг қўмагини сайлов жараёнининг ҳар бир босқичида хис этиб турди. Кексаларни эъозлаш йилида ҳам партия ғояларини аҳоли орасида кенг тарғиб этиш, тарафдорларимиз сафини янада кенгайтиришда бевосита аҳолига

энг яқин бўғин — партия қўйи ташкилотлари имкониятларидан самарали фойдаланиш ниятидამиз. — Вилоятимизнинг қўйи гул усталарининг ижод маҳсули бўлган хунармандчилик ва амалий санъат намуналари нафислиги, бежиримлиги, ўзига хослиги билан ажралиб туради, — дейди "Хунарманд" уюшмаси Наманган вилоят бошқармаси қoшидаги бошланғич партия ташкилоти етакчиси Улуғбек Исоқов. — Улар нафақат юртимиз, балки чет давлатларда ўтказиладиган амалий санъат кўргазмаларида ҳам намойиш этилиб, муносиб тақдирланмоқда. Мисол учун, ўтган йили бошланғич ташкилотимиз ҳамда вилоят Хотин-қизлар қўмитаси ҳамкорлигида "Аёл зийнати — миллат кўзгуси" кўргазмаси ташкил этилди. Унда уюшма аъзолари ва БПТ фаоллари Нозима Абдусаматова 20 турдаги миллий ва замонавий либослари

Сайлов — 2015

Марказий сайлов комиссиясида

(Давоми. Бошланиши 1-бетда)

“Ўзбекистон Республикаси Президентлиги сайлови тўғрисида”ги қонунга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар кўрсатиш сайловга олти беш кун қолганида бошланади ва қирқ беш кун қолганида тугайди. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар кўрсатиш сиёсий партияларнинг юқори органи — съезд ёки курултой томонидан амалга оширилади.

Марказий сайлов комиссиясига тақдим этилган ҳужжатлар сиёсий партия раҳбарининг Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодни рўйхат-

га олишни илтимос қилиб, Марказий сайлов комиссиясига аризаси, сиёсий партия юқори органининг Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод кўрсатиш тўғрисидаги қарори, сиёсий партия юқори органи мажлисининг Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод кўрсатиш тўғрисидаги баённомаси, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзоднинг ўз номзоди овозга қўйилишига рози эканлиги тўғрисидаги аризаси, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига кўрсатилган номзодни қўллаб-қувватловчи имзо варақаларидан иборат.

Таъкидлаш жоизки, сиёсий партиялар Ўзбекистон Республикаси Президентлигига кўрсатган номзодлари-

ни қўллаб-қувватловчи сайловчиларнинг имзоларини тўплаш жараёнини яқунлади.

Марказий сайлов комиссияси тақдим этилган ҳужжатларни етти кунлик муддат ичида текшириб чиқади ва уларнинг қонун талабларига мувофиқлиги тўғрисида хулоса беради.

Айни пайтда Марказий сайлов комиссиясида имзо варақалари тўғри тўлдирилганлигини текшириш бўйича ишчи гуруҳлари фаолият юритмоқда. Уларнинг таркибига Марказий сайлов комиссияси аъзолари, жамоат ташкилотлари вакиллари, ички ишлар, адлия органлари ва бошқа муассасаларнинг мутахассислари киритилган.

ЎЗА

Депутат минбари

Давлатимиз раҳбари Ислам Каримов шу йилнинг 23 январь кунини бўлиб ўтган парламент палаталарининг қўшма мажлисида Олий Мажлисининг ўтган даврдаги фаолиятини ҳолисона баҳолади. Президентимиз парламент фаолиятида кўзга ташланган айрим камчиликлар борасида алоҳида тўхталиб, депутатлар эътиборига саккиз йўналишдаги масала ва уларни ҳал этиш бўйича тақлифларни тақдим этди.

Қонун ижодкорлиги

изланиш ва ташаббускорликни талаб этади

Айниқса, қонунларни амалга ошириш механизмлари алоҳида эътибор қаратди: “Урганишлар натижалари шунини кўрсатмоқдаки, кўпинча қабул қилинаётган қонунлар, уларга киритилаётган ўзгариш ва қўшимчалар ишламапти. Бунинг сабаби, биринчидан, ушбу қонунларда улардаги нормаларни амалга ошириш бўйича аниқ механизмлар ишлаб чиқилмагани билан боғлиқ бўлса, иккинчидан, мазкур қонунларнинг самарали ишлашига ёрдам берадиган тегишли қонуноти ҳужжатлари чиқарилмаётганида бўлиб, уларсиз эса бу қонунларда белгиланган қоидалар умуман ишламаётганини аниқлаш олишимиз даркор.”

Дарҳақиқат, қонун ҳужжатларини амалга ошириш механизми — бу ижтимоий муносабатларни тартибга солиш мақсадида ҳуқуқий йўл билан таъсир этишни аниқлади. Унинг алоҳида хусусияти шуки, қонун ижодида муносабат иштирокчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилайди, ҳуқуқлар амалга оширилишини ва мажбуриятлар бажарилишини таъминлайди. Бироқ, қонун нормаларининг ишлаши таъминловчи ҳуқуқий механизмлар етарли даражада таъминланмагани қонунчиликда муайян бўлишига вужудга келтиради, пировардида, қабул қилинган қонун қутулган натижа ёки самарани бермаслиги мумкин.

Айнан шунинг учун ҳам давлати-



миз раҳбари ўз маърузасида қонунларни ишлаб чиқиш жараёнидаёқ “бу қонунга реал ҳаётда қай даражада эҳтиёж бор ва у қанчалик самарали ишлайди?”, деган саволни ўзимизга беришимиз лозимлигини, қонунлар самарадорлигига эътибор қаратишимизни алоҳида қайд этди. Президентимиз 1998 йил 28 августдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси биринчи қақриқ ўн иккинчи сессиясидаги маърузасида шундай деган эди: “Қонун қабул қилиш — бу ишнинг ямол ҳолос. Уларнинг ҳаётга тўла татбиқ қилинишига эришиш даркор. Бунинг учун қабул қилинган қонунларнинг қундалик турмушимизда амалга ошишини таъминловчи таъсирчан механизм яратиш лозим”.

Юртбошимиз қўшма йиғилишда ҳозирги шароитда тўғридан-тўғри таъсир кўрсатадиган қонунлар, кодификация қилинган қонунчилик

ҳужжатларини қабул қилиш, янги қонунларда белгиланган қоидаларни тўлиқ рўйбога чиқаришни таъминлайдиган қонуноти ҳужжатларининг аҳамиятига тўхталиб ўтди. Демак қонунларнинг қабул қилиш амалиётини парламент фаолиятида янада такомиллаштириш айни муддаодир.

Айнан шундай айрим ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 15 июлдаги “Қонунларнинг ҳаволаки нормаларини амалга оширишга қаратилган норматив-ҳуқуқий ва бошқа ҳужжатларни ишлаб чиқиш режаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори қабул қилинганлигини эслатиб ўтиш жоиз. Мазкур қарорга мувофиқ қонунлардаги юздан ортиқ ҳаволаки нормалар юзасидан тегишли ҳужжат лойиҳаларини ишлаб чиқиш борасида алоҳида режалар тасдиқланди.

Қонун ижодкорлиги жараёнида яна бир муҳим масала коллизиялар (номувофиқликлар) ва бир-бирини тақрорловчи нормаларга йўл қўймасликдир. Маълумки, ҳуқуқий коллизия — бу лотин тилидаги collisio (туқнашув) сўзидан олинган бўлиб, айнан бир ёки ўхшаш бўлган ижтимоий муносабатни тартибга солувчи қонун ҳужжати нормалари орасидаги тафовутни англатади. Бир-бирини тақрорловчи нормалар деганда эса у ёки бу ҳуқуқий қоида тақроран ифода этиш тушуналади.

Президентимиз қонунларнинг сўзсиз бажарилиши билан бирга уларнинг бир-бирига зид келиб қолмаслиги, қонунчиликнинг аниқ тизимга асосланиши, ҳуқуқий тартибга солиш тизимининг мукамал бўлишига эътибор қаратишимиз лозимлигига уруғ берди.

Мухтасар айтганда, давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисида билдирилган тақлифлари, олдимизга қўйилган вазифалар парламент фаолиятини, қонун ижодкорлиги жараёнини янада такомиллаштиришга қаратилган. Уларни амалга ошириш эса биз, ҳар бир сайланган депутатлар зиммасидаги устувор вазифалардандир.

Жаҳонгир ШИРИНОВ,
ЎЗМТДП фракцияси аъзоси

Алишер Навоий таваллудининг 574 йиллиги

Президентимиз Ислам Каримов “Юксак маънавият — энгилмас куч” асаридан таъкидлаганидек, инсон қалбининг қувончу қайғусини, эзгулик ва ҳаёт мазмунини Навоийдек теран ифода этган шоир жаҳон адабиёти тарихида камдан-кам топилди. Она тилига муҳаббат, унинг беҳиёс бойлиги ва буюклигини англаш туйғуси ҳам бизнинг онгу шууримиз, юрагимизга, аввало, Навоий асари билан кириб келади. Биз бу бебаҳо меросдан халқимизни, айниқса, ёшларимизни қанчалик кўп баҳраманд этсак, миллий маънавиятимизни юксалтиришда, жамиятимизда эзу инсоний фазилатларни қарор топтиришда шунчалик қудратли маърифий қуролга эга бўламиз.

“Туркистон” саройида Алишер Навоий таваллудининг 574 йиллигига бағишлаб ташкил этилган “Назм ва наво” мусиқали-маърифий тадбир халқимиз, айниқса, ёш авлодининг улғу бобомиз ижодига бўлган меҳрини янада ошириш, тафаккур ва маънавияти, бадиий эстетик маданиятини юксалтиришга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Президентлиги, Республика Маънавият тарғибот маркази, Бадиий академия,

Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, “Тасвирий ойна” ижодий уюшмаси ва бошқа қатор ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган кечада давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, ёзувчи ва шоирлар, адабиётшунос олимлар, маданият ва санъат намояндалари, табарруқ отахон ва онахонлар, иқтидорли талабалар иштирок этди.

Тадбирда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси М.Аҳмедов ва бошқалар Президентининг Ислам Каримов раҳнамолигида ёш авлодни ҳар томон-

Саодатга элтувчи мерос

Алишер Навоий адабий мероси бебаҳо маънавий ҳазина, битмас-туганмас бойлиқдир. Шу боис улар замон ва макон чегарасини билмай, мана, беш ярим аср ўтса ҳамки яшаб келмоқда



лама соғлом, мустақил фикрлайдиган, юксак маънавиятга инсонлар этиб вояга етказиш, уларнинг қалби ва онгига ватанпарварлик, истиқлол гоғларига садоқат, миллий анъана ва қадриятларимизга ҳурмат туйғуларини чуқур сингдиришга қаратилган ишларда Алишер Навоийнинг бебаҳо мероси катта аҳамият касб этаётганини таъкидлади.

Алишер Навоийнинг ибратли ҳаёти, беназир ижоди ҳар

томонлама тақдир этилмоқда. Улуғ шоир асарлари умумтаълим мактаблари, коллеж ва лицейлар, олий ўқув юрлари, илмий-тадқиқот институтлари, ахборот-ресурс марказларида кенг ўрганилаётир. Шу билан бирга, шоир мероси бастакор ва хонандалар, созандалар, мусаввирлар учун битмас-туганмас илҳом манбаи бўлиб хизмат қилмоқдаки, янгидан-янги қўшиқлар, кўплаб адабий-бадиий, тасвирий санъат асарлари яратилмоқда. Бу навқирон авлодни ватанпарварлик, фидойилик, меҳнатсеварлик, эл-юрт тақдирини учун дахлдорлик руҳида камолга етказишда муҳим аҳамият касб этаётир.

— Ижодимизда буюк бобомиз асарларига қайта-қайта мурожаат қиламиз, — дейди Ўзбекистон халқ ҳофиси Ўлмас Саиджонов. — Зеро, Навоий

асарларида ҳамжихатлик, тинчлик-осойишталик, бунёдкорлик, ватанпарварлик, камтарлик, одамлилик, ҳалоллик, вафо ва садоқат сингари инсонни маънавий камолотга бошловчи туйғулар бош мавзу сифатида тараннум этилган. Улуғ шоирнинг тарбиявий аҳамияти юксак асарлари авлодлар қалбига саодат қалити бўлиб мангу яшайди.

Маърифий тадбирда Навоий бобомиз битган ўлмас асарларнинг жаҳон адабиётидаги юксак макому, ёшлар тарбиясидаги беҳиёс аҳамияти ҳақида фикр юритилди. Алишер Навоий ғазалларидан намуналар, дostonларидан парчалар, буюк шоир ғазалларига боғланган мухаммаслар ўқилди. Навоий назми билан ўйлайдиган мумтоз қўшиқлар ижро этилди.

— Навоийнинг ҳар бир сат-

рида жозиб оҳанг бор. Агар куйлик солинса, унинг таъсирчанлиги, кучи, ҳарорати янада ошади. Ушбу тадбирда бунга яна бир бор амин бўлдик, — дейди Ўзбекистон давлат консерваторияси талабаси, Зулфия номидаги Давлат муқофоти совриндори Нодира Дадамухамедова. — Бундай тадбирлар биз, ёшлар маънавиятини, эстетик дидини янада бойитиб қолмай, қалбимизда улуғ аждодларимиздан, уларнинг бебаҳо меросидан фахрланиш туйғусини кучайтиради.

Сарой фойеида буюк мутафаккир ҳаёти ва ижодига бағишланган тасвирий ва амалий санъат намуналари, Навоий асарлари ва навоийшуносликка оид китоблар кўргазмаси ташкил этилди.

Дилшод КАРИМОВ,
ЎЗА мухбири

2015 йил — Кексаларни эъзозлаш йили



Маънавий қадриятларимиз манбаи

Ўзаро ҳурмат-иззат, ёши улугларга эҳтиром, меҳр-мурувват кўрсатиш каби азалий хислатлар — халқимизнинг жипслиги, тинч-тотув, аҳил ҳаётимиз барқарорлигида муҳим аҳамиятга эга. Халқимиз мудом нурунийларга уйнинг тўридан жой берган, бунинг хонадон файзи-баракаси деб билган.

Ёши улуг деганда, кўз ўнгимизда, аввало, ота-онамиз, бобо-бувиларимиз намоён бўлади. Шунинг учун ҳам ҳар биримиз эзгу ишларни ўз оиламиздан, ота-онамизнинг дуосини олиб, уларга ҳурмат-эҳтиром кўрсатишдан бошлаймиз. Бу — ҳар бир инсоннинг фарзандлик бурчи, инсонийлик фазилатидир.

Мамлакатимиз Асосий Қонунида ҳам вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналарига ғамхўрлик қилишга мажбурилик белгилаб қўйилгани бежиз эмас. Президентимиз ташаббуси билан 2015 йилни мамлакатимизда Кексаларни эъзозлаш йили, деб эълон қилиниши ана шу мўстабар зотларга юксак ғамхўрлик ҳамда эътиборнинг амалдаги намунаси бўлди.

Дарҳақиқат, Президентимиз раҳнамолигида ишлаб чиқилган машур беш тамойилга асосланган “Ўзбек модели” самаралари мамлакатимизда амалга оширилаётган улкан ўзгаришлар, халқимизнинг ҳаёт даражаси ва сифати ортиб бораётганида яққол намоён бўлмоқда. Кучли ижтимоий сиёсат ана шу тарқийёт моделининг асосий йўналишларидан биридир. Ушбу тамойил асосида ўтган даврда мамлакатимизда кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Айниқса, пиру бадавлат отахон ва онахонларимизни қадрлаш, уларга ажратилаётган пенсиялар ҳажмини муттасил ошириб бориш — доимий эътиборда. Президентимиз Ўзбекистон Республикаси Конституцияси кунини муносабати билан ўтказилган тантанали маро-

симдаги маърузасида ҳар қандай жамиятнинг ёши улуг одамларга бўлган эътибори ва ғамхўрлиги унинг маданий даражасини белгилашни, содда қилиб айтганда, кексаларга ҳурмат-эҳтиром, меҳр-оқибат кўрсатиш маънавий ҳаётимизнинг том маънода ажралмас қисмига айланганини таъкидлади. Айтиш лозимки, ҳар йили 9 май — Хотира ва қадрлаш кунини арафасида Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларнинг рағбатлантирилиши улар учун нафақат моддий, балки катта маънавий-руҳий мадад ҳамдир.

Кексаларни қадрлаш, уларга ҳурмат-эътибор кўрсатиш борасида бизнинг халқимиздек бағрикенг, меҳр-мурувватли эл топилмас керак. Бу, аввало, халқимизнинг фарзандларни ота-онага ғамхўр, меҳрибон этиб тарбиялаш борасидаги тушунчаларни оила муҳити ва тутумларига азалдан сингдириб келгани туйғулдир. Тўй-маъраза, жамоат тадбирларида, умуман, ҳар иш-юмушда ёши улуг инсонлар таърибасига таянилиши, уларнинг маслаҳату насихатига қулқ тутилиши ҳам бежиз эмас, албатта. Асрлар давомида шаклланиб, қадрият даражасига кўтарилган бундай муносабат мустақиллик йилларида амалга оширилаётган ислохотларнинг асосий мазмун-моҳиятига айланади. Давлатимиз раҳбарининг ўтган йил 13 октябрда қабул қилинган “1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат fronti фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлашни

янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони, 2011 йил 30 майда қабул қилинган “2011-2015 йилларда ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилишни янада кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори бунга яққол мисолдир.

Кекса авлод вакиллари ижтимоий муҳофаза қилиш ва қўллаб-қувватлаш мақсадида ўрни бор. Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси ўтказётган учрашувларда уларнинг ўз ҳаётини таърибасидан келиб чиқиб билдираётган фикрлари, шукроналик ҳисси билан айтаётган гаплари фарзандларимизни турли ёт гоё ва мафқуралар таъсиридан асраш, ҳаётда ўз йўлини топиб олишига хизмат қилмоқда.

ЎЗМТДП сайловлиди Платформасида кексаларни қадрлаш ва улуглаш, уларга ҳурмат, ўзаро ҳамжихатлик каби оилавий анъаналарни маънавий қадриятларимизнинг муҳим манбаи деб ҳисоблашни белгиланган. Шу нуқтага назардан партияимиз бундан кейинги фаолиятида ҳам мазкур йўналишдаги ишлар қўламини янада кенгайтириш, Кексаларни эъзозлаш йили муносабати билан қабул қилинадиган Давлат дастури ижросини таъминлашга қаратилган тарғибот тадбирларини ташкил этишни мақсад қилмоқда.

Ҳамдам НИЁЗОВ,
ЎЗМТДП Марказий кенгаши
Ижроия қўмитаси девонни бош мутахассиси

© Зулфия таваллудининг 100 йиллигига



Маънавий жасорат соҳибаси

миллий адабиётимиз ва маданиятимиз ривожига улкан ҳисса қўшган ўзбек шоираси, таниқли жамоат арбоби Зулфияxonим халқимиз ардоғида

Ўзбекистон халқ шоири Зулфияxonим ўзининг бетакрор истеъдоди, ибратли ҳаёти ва ижтимоий фаолияти билан халқимиз маънавиятини юксалтиришга улкан ҳисса қўшган. Шоиранинг ижоди ва ҳаёт йўли ўзбекистонлик хотин-қизлар учун ибрат ташаббудир. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан 1999 йилда Зулфия номидаги Давлат мукофоти таъсис этилган.

Истиқлол Ўзбекистон халқ шоири Зулфия номи абадиётга муҳрлади. Унинг мунаввар сиймоси Тошкентнинг сўлим гўшасида қад кўтарди. Пойтахтимизнинг обод кўчаларидан бирига шоиранинг номи берилгани унинг ижодига чексиз ҳурмат намунаси. Мамлакатимизда ҳар баҳорни шоира Зулфия таваллуд топан кун билан биргалликда кутиб олиш анъанага айланган. Нафақат ўзбек адабиёти, балки Шарқ адабиёти ва фалсафаси ривожига ҳам улкан ҳисса қўшган ижодкор сифатида эътироф этилувчи шоиранинг ибратли ҳаёт йўли, шеърларида қуйланган юксак инсоний фазилатлар ёшлар маънавиятини юксалтириш, улар қалбига юртга муҳаббат туйғусини шакллантиришга ҳизмат қилаётди.

Президентимиз Ислам Каримовнинг 2014 йил 31 октябрдаги «Ўзбекистон халқ шоири Зулфия таваллудининг 100 йиллигини нишонлаш тўғрисида»ги қарори нафақат шои-

ра ижоди, балки мамлакатимизда аёл зотиға юксак ҳурмат-эҳтиром, ижод аҳлига эътибор ва ғамхўрлик намунаси сифатида кутиб олинди. Шу муносабат билан шоира ижодий фаолиятини тарғиб қилишдаги ишлар кўламини янада кенгаймоқда. Унинг ўзбек тилидаги "Сайланма" асарлари, инглиз ва қорақалпоқ тиллари таржима қилинган шеър йиллиги ҳақида ҳужжатли фильм яратилиш арасида. Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институтида "Мустақиллик даври адабиётида Зулфия ижодининг аҳамияти" мавзусида илмий конференция ўтказилиши кўзда тутилган.

Мазкур вазибаларни амалга оширишда Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ҳам бир қатор амалий ишларни олиб бормоқда. Хусусан, Зул-

фияxonим ижоди ва ҳаётини ёшлар ўртасида янада кенг тарғиб этиш мақсадида шоира узок йиллар фаолият юритган "Саодат" журнали қошида "Зулфияxonим мактаби" тўғрисида фаолияти йўлга қўйилиб, шоиранинг нафақат шеърят, балки журналистикадаги маҳорати, жамоат арбоби сифатидаги фаолияти ҳақида ижодкор ёшларга маълумотлар берилмоқда. Юртимиздаги қатор театрларда ижодкорнинг "Хотирам синиқлари" достони асосида тайёрланган спектакль намойиш этилмоқда. Ўзбекистон Бадий академиясида рассомлик йўналишида шоира ҳаётига бағишланган кўргазма ва "Шарқнинг биллур овози" фото-кўргазмаси ташкил этилади. Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари, Хотин-қизлар қўмитаси, Ёзувчилар уюшмаси томонидан "Меҳр-муҳаббат ва садоқат тимсоли", "Маънавий жасорат соҳибаси" мавзуларида иншолаш тавловини ўтказиш режалаштирилмоқда. Зулфияxonимга бағишланган веб-сайт янада мукамаллаштириш борасида изчил ишлар амалга оширилмоқда. Қўмита қўмағи билан Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорларнинг "Бахтим шул ўзбекистон Зулфияxonим" тўплами нашр этилиши арасида.

Шоира Зулфияxonим бир пайтлар "хали ер юзиде бугунгидан ҳам яхшироқ инсонлар — руҳи бой одамлар яшади. Агар ўша кишилар ҳам меннинг бирор сатримни эсга олсалар, ўша сатрлар улар учун керакли бўлса, қалбимнинг бўш бир нуқтасини тўлдирса... Қаламимга шу умид куч беради", деб ёзган эди. Бугун мамлакатимизда ақсарият ота-она қизларининг Зулфияга муносиб воқис, маънавий издош бўлишини истайди. Зулфияxonимнинг ўзлари оруз қилганларидек:

Мен кетсам мунгаймас умрим ҳеч қачон, Бу боғлар бир боғ бўлади ҳали...

Дарҳақиқат, шоира орзулари ўз ижобатини топмоқда. Буни Зулфия мукофотиға сазовор бўлган қизларнинг ижодий фаолиятида ҳам кўришимиз мумкин.

— Бу қарор ҳар бир адабиёт муҳлиси, сўз қадрини билган инсонларни қувонтириши табиий. Айниқса, аёл зотиға эҳтиромнинг яна бир намунаси сифатида мамлакатимиз хотин-қизларини бағоят қувонтирди, — дейди Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори, Хотин-қизлар қўмитаси бош мутахассиси Гулжамол Асқарова.

— Мен 2001 йилда Зулфия номидаги давлат мукофотиға адабиёт йўналишида муносиб кўрилганимда менга фахр бағишлаган бу мукофотни елкамга ўшанча масъулият ҳам юклаганини ҳис этган эдим. Халқимиз, айниқса, адабий жамоатчилиг кизгин кутиб олган бу қарор яна бир бор ўша масъулиятни ёдимга солди. Қарор ижроси бўйича қандай ишлар қилсам, қандай ҳаракатлар олиб борсам, Зул-

фия опа руҳи шодланадиган, халқимизга маъқул бўладиган натижаларга эришаман, деб ўйлаётган.

Бу қарор донишманд халқимизнинг "Худо азиз қилганлар икки дунёда ҳам хор бўлмас" деган сўзларини эслати менга. Зулфияxonим ҳаёт ва ижод йўлида чеккан барча машаққати эвазига ардоқ, эҳтиром кўрди, жисман бизни тарқ этганда ҳам номи азиз бошлар, кўзу қошлар устиде муборак тугилмоқда. Бу, албатта, самарали меҳнат, машаққатли ҳаёт йўли ва маънавий жасорат кўрсатиб яшашнинг муқофоти деб ўйлайман.

Президентимиз "Юксак маънавият — энгилмас куч" китобида таъкидлаганидек, "ғам-андух ва ҳасратларни матонат билан енгиб, тоғдек бардоши билан вафо ва садоқат рамазига айланган Зулфия опа сингаи аёллар ҳар қандай юксак ҳурмат ва эҳтиромга муносибдир". Ҳақиқатан ҳам, шоира ҳаёти ва ижоди билан танишиб, Зулфия опа эҳтиромга муносиб ибратли ҳаёт йўлини босиб ўтган, бой адабий мерос қолдирган ижодкорлигини ҳис этасан. Шу ўринда XX аср буюк шахслари қаторида ҳеч бир эътирозсиз эътироф этилади-ган Зулфияxonим тақдирининг нури нуқталарига ҳавас қиламан. "Зулфияxonим қизлари" деган ном халқимиз орасида иборатга айланиб кетди. Мен шу қизлар орасида эканимдан фахрланаман.

Шунингдек, шоира таваллудиға бир аср тўлиши муносабати билан тинчлик, дўстлик, меҳру муҳаббат мавзусидаги тадбирлар халқимизнинг кўнгил байрамига айланиб кетишиға ишонаман.

Айжамал ЖОЛДАСБАЕВА, Қорақалпоқ давлат университети қошидаги академик лицей ўқувчиси, Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибаси:

— Аёл дунёнинг кўрки, меҳр қуёши ва тириклик мазмунидир. Ҳар сафар шоира Зулфия назмиға юзланарканман, шундай ҳулосаға келаман. Бугун республикамиз бўйлаб шоиранинг 100 йиллигини кўтаринки руҳда нишонлаш учун қатта тайёргарлик кўрилар экан, Зулфияxonим мактабимиздан Тошкентдан водийғача, Сурхондан қорақалпоқ дийриғача — бутун Ўзбекистон қизларини қамраб олганиға амин бўламан.

Президентимиз ташаббуси билан таъсис этилган шоира номидаги Давлат мукофоти юртимизнинг чекка ҳудудларида ҳам турли соҳаларда изланиш олиб бораётган қизларни саралаб, уларнинг истеъдод ва салоҳиятини юзага чиқаришға ҳизмат қилмоқда.

Зеро, мамлакатимизда миллий адабиётимизда ёрқин из қолдирган ижодкорларнинг ҳаёти ва бой меросини ўрганишға қаратилган доимий эътибор халқимиз, жумладан, ёш авлод маънавиятини юксалтиришда муҳим омили бўлмоқда.

Дилфуза РЎЗИЕВА, "Milliy tiklanish" мухбири

© Миллий гурур

“Нафъинг агар халққа бешакдурур...”

Буюк мутафаккирларимиз маънавий меросиға мурожаат қилар эканмиз, азаладан уларнинг ижоди ва ҳаётида эл-юрт манфаати, орзу-умидлари устуворлик қилганиға амин бўламан. Бундай гоғлар алломаларимиз асарлари, турҳикмат нақъларда янада теравроқ акс этган.

ли, манфаатлари ҳақида қайғуради. Унинг қабр тошиға «Шоҳи ғарибон», яъни ғариблар, ёлғизлар, фақирлар шоҳи деган сўзлар битиб қўйилган. Бу Навоийнинг бир умр адолат учун курашганидан далолат беради.

Нафъинг агар халққа бешакдурур, Билки бу нафъ ўзунға кўпрақдурур.

Ҳа, агар кимдир ҳиммати туғайли халқ учун бирон фойдали иш қилса, бундан, аввало, унинг ўзиға кўпроқ нафъ теғади. Чунки бошқаларға фойдаси теккан мўъминнинг гуноҳлари кечирилиб, унга кўп саовоб ёзилиши муқаддас китобларда ҳам бот-бот таъкидланган. Навоий "Одамий эрсанг, демагил одамий, ониким йўқ халқ ғамидин ғами", дея бежиз таъкидлаган. Зеро, бир неча юз йиллар аввал айтилган ушбу ҳикмат бугун ҳам аҳамияти ва долзарблигини йўқотмаган.

Халқимизнинг улғу маърифатпарвари Абдулла Авлоний "Арслон ва айик" ҳикоясида дўстлик ва ҳамжиҳатлик ҳаёт моҳияти эканлигини ибратли бир воқеа орқали кўрсатиб берган.

...Арслон билан айик дўстлашди. Дўстлар бир қуни овға чиқадилар. Анча уринишлардан сўнгр бир қийкин кўлга туширадилар. Лекин ноғохон ўртада жанжал қиғади. Арслон қатталлигини пеш қиғади ва ўлжанинг кўпроғини талаб қиғади. Айик эса кичиклиғиға қарамадан кўп меҳнат қилганини айтади. Бахслашув жанжалға айланади. Иккала томон ҳам ҳолдан тоғди. Қимирлашға мажол қолмади. Бундан бўрилар ҳабар топиб, ўлжани пок-покиза туширадилар. Ҳу қилмишларидан пушаймон дўстлар қолдиқ суякларни чайнаш билан қифояланадилар.

Авлоний ушбу ҳикоя қаҳрамонлари мисолида халқни бирдамликка қақриб, иттифоқсизликнинг зарари, ҳалокати оқибатини кўрсатиб берган. Унинг асарларида Ватан туйғуси энг инсоний ва мўътабар туйғу экани, юртни шунчаки севиш мумкин эмаслиғи таъкидланади. Ватанинг дарди билан яшамоқ, унинг бахтидан қувонмоқ, у билан фахрланмоқ ва гурурланмоқ керак. Ватан омад муқаддас. Уни қадрлаш, эъозлаш, унинг шодлик ва қувончига шерик бўлиш, ғам-ҳасратини баҳам кўриш фарзанднинг бурчи.

Абдулла Авлоний ўз замонасининг жонқури эди. Шу ваҳдан, унинг ижодини замонасидаги мураққаб турмуш шароитидан айри ҳолда тасаввур қилиш қийин. Абдулла Авлоний ҳамиша ўз халқи, Ватаниға содиқ қолди. Ҳамма вақт халқ дарди билан яшади. Фақат ҳамдард бўлиб қолмай, балки унинг истиқболи учун қайғурди, унга озодлик ва бахт қидирди. Мактаблар очиб, халқни маърифатли қилишға, ёшларни даврниг илғор руҳида тарбиялашға уринди. Абдулла Авлоний "Тарбия бизлар учун ё ҳаёт — ё мамот, ё нажот — ё ҳалокат, ё саодат ё фалокат масаласидур" деб бежиз таъкидлаган. У таълимий-ахлоқий асарлар, дарсликлар ёзиб, ўзбек педагогика фани таракқиётида сезиларли из қолдирди.

Бугун замон ўзгармоқда. Ҳаёт ўзгармоқда. Инсон онг ва тафаккурнинг янги-янги қўриқлариға интилмоқда. Бироқ замонавий илм-фан ва технологиялар юксак тараққиёт этган бугунги кунда ҳам инсон қалбини ўзгариши — долзарб масала. Инсон онги ва тафаккуриға нисбатан мақруравий таъсирлар қучайган бугунги мураққаб замонда улғу маърифатпарвар болаларимизнинг маънавий мероси биз учун баркамоллик ва саодат мактабидир.

Заманимизда яшаб ижод қилган буюк алломаларнинг ижоди, илмий-маънавий мероси Ватанимизнинг бугунги тараққиёт одимларида соғлом ва баркамол авлод тарбияси, инсон манфаатларининг ҳимояси, олиб борилмаган кучли ижтимоий йўналтирилган ислохотларға ҳамохан экани билан аҳамиятли.

Равшан РҲАЗАРОВ, Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси кафедра бошлиғи, Фалсафа фанлари номзоди, Музаффар ТОҲИБОВЕВ, Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси доценти, тарих фанлари номзоди

© Сихатгоҳда


Нуронийлар тажрибаси

турмушимиз файзи

Ёши улғу инсонларға алоҳида ҳурмат-эҳтиром, кичикларға иззат кўрсатиш, ўзро меҳри, оқибати бўлиш халқимизға хос азалий қадриятлардан. Юртошимиз ташаббуси билан 2015 йилнинг мамлакатимизда Кексаларни эъозлаш йили деб эълон қилиниши бунинг яна бир ёрқин ифодасидир. Йилни бундай аташ ҳам аслида турмушининг минг бир ташвишларини ўз елкасида кўтариб яшаётган, мамлакатимиз ободлиғи ва турмушимиз фаровонлиғи йўлида ўзларини аямай меҳнат қиғаётган, ёшларға панд-насихатлар билан ҳаётда тўғри йўл кўрсатаётган, оилаларимиз файзи, хонадонларимиз чироғи саналмиш ёши улғуларға нисбатан ҳурматимиз белгиси, албатта. Бу, жорий йилда мамлакатимизда кекса авлод вақиллари учун муносиб турмуш шароити яратиш борасида ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ, савоблироқ ишлар амалға оширилишидан далолат.

Аҳолининг барча қатламига, жумладан, кексаларға кўрсатилаётган тиббий ёрдам кўламини янада кенгайтиришда соғлиқни сақлаш, дам олиш муассасаларининг моддий-техник базасини такомиллаштириш муҳим аҳамиятға эға. Бир мисол. Яқинда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиғи тасарруфидеги "Жиззах" санаторияси қайтадан таъмирланиб, уруш ва меҳнат фахрийлари, нуронийлар ихтиёриға топширилди.

— Яқунланган йилда сихатгоҳимизда 2400 нафар уруш ва меҳнат фахрийлари, ногиронлар ҳамда қарияларимиз дам олиб, саломатликларини тиклаган бўлишса, жорий йилда эса жамоамиз билан бирға бу ишларни янги, янада юқори босқичқа олиб қиқишға бел болаганмиз. Бунинг учун санаториямизда барча имконият, шарт-шароитлар яратилган. Кенг, ёруғ, шинам ётоқ жойлари, муолажа хоналари, спорт майдончалари, файзли ошхона,




кўтубхона, маданий маърифий тадбирлар ўтказиладиган масканларимиз замонавий тарзда ҳижозланди. Муолажаларимиз сўнги русумдаги ташхис қўйиш ва даволаш асбоб-ускуналари ёрдамида олиб борилди. Малакали тиббиёт ходимлари, мутахассислар ва ишчи-хизматчиларимиздан иборат аҳил жамоамиз дам олиш ва саломатликларини яхшилаш мақсадида келган нуронийлар ва фахрийларимизға ҳизмат кўрсатишатиғандан мамнун, — дейди санаторий бош шифокори Зокиржон Эшмуродов.

Ҳа, юртимиз тинч, халқимиз ўз турмушини янада баракали, тўкин ва фаровон қилиш завқи

билан яшамоқда. Бунда, албатта, кекса авлод вақилларининг ҳам ҳизматлари беқийёс. Қарияларни қадрлаш, ногиронлар, фахрийларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш эса давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан. Уларнинг дуоларини олсак, бағримиз янада бутун, турмушимиз янада файзли бўлади. Зеро, нуроний отахон ва онахонлар ёш авлод камолоти йўлида камарбаста бўлиб, оилаларда тотувлик, жамиятда барқарорлик муҳитини мустаҳкамлашға муносиб ҳисса қўшаётди.

Ҳафиза ҚОБИЛОВА, журналист



Навобий давлат педагогика институти қошидаги академик лицейда мингга яқин ўқувчи замонавий шароитларда тахсил олмақда. Бу ерда ижтимоий-гуманитар, хорижий филология ҳамда табиий фанлар чуқурлаштирилган тарзда ўқитилади. Айниқса, чет тилларни ўқитишда илғор педагогик услублардан кенг фойдаланилаётгани, бу йўналишда тўғарақлар тахсил этилгани ёшларнинг хорижий тилларни ўрганишга қизиқишини оширмақда.

ЎЗА фотомухбири
Сирож АСЛОНОВ олган суратлар

Болалар спорти

Чемпион ёшлар маскани

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида болалар спортини ривожлантириш, соғлом ва баркамол авлодни вояга етказишга қаратилган доимий эътибор ўлғизлар ўртасида жисмоний тарбия ва спорт оммалашиб бораётганида, юртимизнинг барча ҳудудидидаги олимпия захиралари коллежлари, болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари, ихтисослаштирилган мактаб-интернатлар фаолиятида яққол намоён бўлмақда.

Давлатимиз раҳбарининг 2002 йил 24 октябрдаги "Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида" ва 2004 йил 29 августдаги "Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармонлари соҳа ривожига дастуриламал бўлиб хизмат қилаётди.

Илгари шаҳарларда ҳам санокли бўлган спорт иншоотларида мураббийлар етишмовчилиги, анжомлар танқислиги доимий муаммо эди. Қишлоқларда шароит йўқлиги боис қанча-қанча истеъодлар кашф этилмади сўнра.

Президентимизнинг соҳага қаратаётган эътибори тўғрисида фарзандларимиз энг замонавий спорт мажмуаларида шугулланмоқда. Бугун ота-оналарнинг ўзлари фарзандларини соғлом инсонлар этиб вояга етказиш орзусида спорт мактабларига етаклаб келмоқда.

Буни пойтахтимизнинг Чилонзор туманидаги 43-болалар ва ўсмирлар спорт мактаби фаолиятида ҳам кўриш мумкин.

Мазкур спорт мактаби 2008 йилда болалар спорт мажмуаси сифатида фаолиятини бошлаган. 2013 йилда болалар ва ўсмирлар спорт мактаби мақомини олғач, муассасадаги тўғарақлар фаолияти янада такомиллашди, унга қатновчилар сафи кенгайди.

— Тарбияланувчиларимиз орасида истеъоддилари жуда кўп, — дейди спорт мактаби директори Аскар Абдураимов. — Мажмуада кун давомида қатъий жадвал асосида машғулотлар ўтказилади. Асосийси, мактабимизда болаларнинг спорт билан мунтазам шугулланиб, ўз саломадлигини мустаҳкамлаши, иқтидор ва маҳоратини юзага чиқаришига алоҳида эътибор қаратилади.

Ушбу муассасада тарбияланувчилар спорт-соғломлаштириш, бошланғич тайёргарлик

ҳамда ўқув-машғулот гуруҳларида маҳоратини оширмақда. Машқлар ўқувчиларнинг бўш вақтига қараб, белгиланган ўқув дастури асосида олиб борилаётди. Ёпиқ зал, иккита теннис корти, мини-футбол ва футбол майдонлари — болалар ихтиёрида.

Бу ерда тўрт юз нафардан зиёд ўғил-қиз тажрибали мураббийлар кўмағида бадий гимнастика, тазквондо (WTF), футбол, стол тенниси, енгил атлетика, камондан ўқ отиш каби спорт турлари билан мунтазам шугулланиб келмоқда. Тарбияланувчиларнинг бир юз саксон нафари қизлардир.

Болалар ва ўсмирлар спорт мактабидидаги футбол тўғрисида аъзоларининг маҳоратли ўйинларини каттаю кичик севиб томоша қилади.

Кизлар ўртасида спортнинг нафис тури — бадий гимнастикага қизиқиш кучли. Мазкур спорт улар учун нафақат жисмоний чиниқиш, балки сарвқоматлик, лобарлик ва гўзаллик асоси бўлиб ҳам хизмат қилмоқда.

— Бадий гимнастика тўғрисида кизлар тўрт ёшдан қабул қилинади, — дейди мураббий Нигора Фозилова. — Айни вақтда 130 нафар қиз бу спорт тури билан шугулланмоқда. Яратилган имкониятлардан ёшларимиз унумли фойдаланиб, турли мусобақаларда фахрли

ўринларни эгалламоқда.

— Жорий йилда Хоразм вилоятида ўтказиладиган "Умид ниҳоллари — 2015" спорт ўйинларида бадий гимнастика бўйича Тошкент шаҳри жамоасида қатнашаман, — дейди 280-умумтаълим мактаби ўқувчиси Моҳинур Бахтиёрова. — Мураббийларим кўмағида мураккаб композицияларни ўзлаштиришга ҳаракат қилганман. Мақсадим — келгусида қитъа ва жаҳон чемпионатларида қатнашиб, Ватанимизга олтин медаллар билан қайтиш.

Дарҳақиқат, мактаб тарбияланувчилари орасида халқаро майдонларда Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишга қодир спортчилар кўп. Тазквондо (WTF) бўйича Валентин Хөгай, Гўзал Норбобоева, Баҳодир Аловонов, камондан ўқ отиш бўйича Зафар Сатторов, Юнус Сармамбетов, Ҳилола Юнусова, бадий гимнастика бўйича Анжелика Хмельницкая, Алеся Букреева, Маргарита Урмиш, Севара Тўхтаева, Юлия Нуштаева каби ёшлар нуфузли турнирларда совринли ўринларни эгаллаб келмоқда. 2014 йилда спортчилар мамлакат ва халқаро миқёсдаги мусобақаларда 170 дан зиёд медални қўлга киритгани бунинг далилидир.

Нурилло НАСРИЕВ,
ЎЗА мухбири

Таълим

Бўлажак меъморлар мактаби

Ўтган йили Самарқанд давлат архитектура ва қурилиш институтини 17 йўналиш бўйича 623 бакалавр ва 50 магистр тамомлади

Мустақил тараққиётимизнинг ўтган йигирма уч йили давомида мамлакатимизда амалга оширилган бунёдкорлик ишларининг кўлами ва миқёсини тасаввур қилиш ҳар биримизга гуруҳ бағишлайди. Миллий меъморчилик ва замонавий архитектура анғаналарини ўзида мужассам этган муаззам майдонлар, кенг ва равоён йўллар, маҳобатли кўприклар, кўркам уй-жойлар, ижтимоий объектлар шаҳару қишлоқларимиз қиёфасини бутунлай ўзгартириб юборди. Шу боис, халқимиз ва давлатимиз тақдирини беқийс аҳамиятга эга бу соҳани ҳар томонлама етук, билимдон ва малакали меъмор мутахассислар билан таъминлаш гўят муҳим.



лий ўқув маркази ана шундай ҳамкорлик маҳсулидир. Марказ "Дака" (Италия) компанияси ишлаб чиқарган замонавий лаборатория ускуналари билан жиҳозланган. У институт магистрлари учун халқаро андозадаги илмий марказ сифатида фаолият юритмоқда. Бундан ташқари, институт олимлари Европа Иттифоқи ва мамлакатимиздаги турдош олий таълим муассасалари ҳамкорлигида ТЕМПУС дастурининг "Автоматизация қурилиши ва транспорт машинасозлиги бўйича магистрлик ўқув дастурларини ишлаб чиқиш" лойиҳасида иштирок этиб, голиб бўлди.

Бугун институтда 9 нафар катта илмий ходим-изланувчи докторлик диссертацияси устида тадқиқот олиб бормоқда. Олимлар корхона ва ташкилотларда бўлиб, иқтисодиётнинг тегишли соҳаларида тадқиқотлар ўтказяпти. Бунга мисол қилиб профессорлар Саидмаксуд Раззоқов ва Ахтам Уроловнинг фазовий конструкциялар, шаҳарсозлик ва ландшафтлар архитектураси йўналишидаги изланишларни келтириш мумкин.


Институтда илмий анжуманлар ва семинарларни ташкил этиш самарали йўлга қўйилган. Биргина ўтган йилда "Муҳандислик-коммуникация тизимларини лойиҳалаш, қуриш ва модернизациялашнинг замонавий масалалари" мавзусида халқаро, "Миллий мафкура руҳидида илмий кадрлар тайёрлашда маънавий баркамоллик — қомил инсонийлик мезонлари ва устоз-шогирдлик тамойилларининг роли ҳақида" мавзусида республика илмий-амалий конференциялари ўтказилди.

Институтда иқтидорли талабалар ҳар томонлама қўллаб-қувватланади. Биргина ўтган йилда 264 иқтидорли талаба ва 22 нафар ёш олим илмий-тадқиқот ишларига жалб этилди. Меҳрож Собиров ва Гулноза Муллажоновна сингари талабалар Беруний номидаги давлат стипендияси соҳибидир. Республика фан олимпиада-сида эса талабалардан Акмал Сайитқулов биринчи, Умид Туропов иккинчи, Юлдузхон Шарипова ва Шерзон Содиков иккинчи ва учинчи ўринни эгаллади.

Институтда талабаларнинг миллий истиқлол гоғялари руҳида тарбиялаш мақсадида қатор хайрли ишларга ҳам қўл урилди. Бу ерда ташкил этилган маънавият ва маърифат маркази бевоқоф ана шу мақсадга хизмат қилади. Умумий китоб фонди салкам бир миллион нусхани ташкил этадиган институт кутубхонаси ҳам талабаларнинг сеvimли масканига айланган. Кутубхонада зарур илмий адабиётлардан тортиб, қўллаб ўқув қўлланмалари ва дарсликлар, бадий асарлар, хорижий китоблар, ўнлаб номдаги газета-журналлар билан мунтазам танишиб бориш имконияти мавжуд.

Ўтган йил институтини 17 таълим йўналиши бўйича 623 бакалавр ва 50 магистр тамомлаб, катта ҳаётга йўлланма олди. Улар ўз мутахассисликлари бўйича турли илмий-тадқиқот ва лойиҳалаш институтлари, ишлаб чиқариш корхоналари ҳамда ташкилотларга ўзаро келишув асосида ишга юборилди. Ўз навбатида, битирувчи бакалаврлардан 39 нафари шу ернинг ўзида магистратурада зарур илмий адабиётлардан тортиб, қўллаб ўқув қўлланмалари ва дарсликлар, бадий асарлар, хорижий китоблар, ўнлаб номдаги газета-журналлар билан мунтазам танишиб бориш имконияти мавжуд.

Ориф ХОЛИКУЛОВ,
"Milliy tiklanish" мухбири



Реклама ўрнида



Истиқлолнинг илк йиллариданоқ юртимизда банк соҳасини такомиллаштириш, молия муассасаларининг мижоз билан ишлаш жараёнини янада яхшилаш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш мақсадида олиб борилаётган ислохотлар бугун ўз самарасини бераётди. Бунинг натижасида юртимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожланиб, аҳолининг турмуш фаровонлиги яхшиланмоқда.

Президентимизнинг мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якуналари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги

Барқарор ва ишончли

"Микрокредитбанк" мижозлари банк хизматидан мамнун

маърузасида таъкидланганидек, банк тизимидаги ислохотлар иқтисодиётимизнинг барқарор ўсиш суръатларини таъминлашда энг муҳим омил бўлмақда. Ўтган йили иқтисодиётимиз ва унинг етакчи тармоқларини ривожлантириш бора-сида юқори ўсиш суръатларига эришилди. Сўнгги беш йилда кичик бизнесни кредитлаш ҳажми қарийб 5 баробарга кўпайди. Ялпи ички маҳсулот ҳажми 8,1 фоиз ошиб, жумладан, sanoатда 8,3 фоиз, қишлоқ хўжалигида 6,9 фоиз, капитал қурилишда 10,9 фоиз, чакана савдода 14,3 фоиз ўсиш кузатилгани бунинг яққол далилидир.

Мижозларга юқори савияда хизмат кўрсатиб, обрў-эътибор қозонаётган банклар қаторида "Микрокредитбанк"нинг ҳам муносиб ўрни бор. Мазкур молия муассасаси иқтисодий ислохотлар жараёнига сезиларли улуш қўиши, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, уларга микро-саноатлар ажратиш, хусусан, соҳа инфратузилмаси ҳамда базавий тармоқларини ривожлантиришда фаол иштирок этмоқда. Шу билан

бирга юртимизда ишбилармонлик муҳитини яхшилашга, аҳолининг кам таъминланган қисмига қўмақ бериш ва уларнинг ижтимоий-иқтисодий фаоллик даражасини ошириш ҳамда янги иш ўринлари ташкил этиш масаласига алоҳида эътибор қаратиб келмоқда.

Иқтисодий ривожланишнинг барча босқичида кичик бизнеснинг мамлакат ялпи ички маҳсулоти таркибидидаги улушини ошириш, янги иш ўринларини яратиш, аҳоли даромадларини кўпайтириш масаласи "Микрокредитбанк"нинг доимий диққат марказида.

Амин НЕЪМАТОВ,
Бухоро вилояти, Ромитон туманидаги "Муҳаммад Амин ширин нон" МЧЖ раҳбари:

— Юртимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари равақига алоҳида эътибор қаратилиб, зарур шарт-шароитлар яратилаётганига беқийс имкониятлар эшигини очмоқда. Тадбиркорлар ўртасидаги соғлом рақобат ишбилармонларни бозорни ўрганиб, ишни пухта режа асосида ташкил

этишларида муҳим омил бўлмақда.

Корхонамиз уч турдаги нон ва нон маҳсулотлари тайёрлаб аҳоли дастурхонига етказди. Маҳсулотларимизнинг сифатлилиги ва бозорбон нархларда сотилаётганлиги хариддорлар сафининг кундан-кун кенгайишига сабаб бўлмақда. Истиқболда корхонамизни янада кенгайтириш, маҳсулот турини кўпайтириш ниятидамыз. Бунда биз яна "Микрокредитбанк"нинг молиявий кўмағидан фойдаланамиз. Банкнинг Ромитон филиали томонидан ажратилган 45 миллион сўмлик имтиёзли кредити эвазига замонавий ва самарали ускуналар харид қилиб, нон ва қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш мажмуасини қуриш лойиҳасини амалга ошираёلمиз.

Ушбу лойиҳамиз тўлиқ амалга ошса, яна саккиз нафар ёш иш билан таъминлаш имкони пайдо бўлади. Доимий ҳамкоримиз бўлган "Микрокредитбанк" билан алоқаларимизни келажакда янада мустаҳкамлаш ниятимиз бор.

Эркин ДОРИПОВ,
"Milliy tiklanish" мухбири


Бизнинг шарҳ

Электрон сигарета:

Шакли ўзга, зарари эса ўша-ўша

Европада электрон сигаретага қарши кураш ўн йил олдин бошланган бўлса-да, бироқ қатор ривожланган давлатларда “электрон” кашандалар сони ортаётир

БМТ маълумотларига кўра, дунёда кашандалик оқибатида ҳар йили 5,4 миллион, ёки ҳар б соғияда 1 киши ҳаётдан бевақт кўз юмади. Айни пайтда инсоният орасида кашандалар сони 1 миллиард 200 миллиондан ортиқ. Улар ҳар йили 2,1 фоизга кўпаймоқда. Мутахассисларнинг фикрича, зудлик билан зарур чоралар кўрилмаса, 2030 йилга бориб кашандалик ҳар йили 8 миллион кишининг ҳаётдан бевақт кўз юмушига сабаб бўлиши мумкин. Чекувчилар сони бўйича дунёда биринчи ўринда Хитой, кейин Ҳиндистон ва Индонезия туради. Чекиш оқибатида келиб чиқадиган йиллик иқтисодий зарар эса 200 миллиард АҚШ долларини ташкил этади.



Йилда эса тўлиқ бир йилни ташкил этади. Чекиш оқибатида астма, ўпка саратони, юрак-қон томири, гипертония, оғиз бўшлиғи касалликларини орттириш ҳеч гап эмас. Шифокорларнинг таъкидлашича, агар чекишга қарши кескин кураш олиб борилмаса, XXI асрда 1 миллиарддан ортиқ киши турли касалликларга дучор бўлиши мумкин.

Европа Иттифоқида “замонавий” усулдаги чекувчилар сони кўпайиб бормоқда. Биргина Буюк Британияда 1 миллион нафар одам электрон сигарета истеъмолчиси ҳисобланади. Айрим кашандалар ҳатто жамоат жойларида ҳам мен тамаки эмас, электрон сигарета чекалман, деб одамларнинг кўзини шамғалат қилмоқдалар.

Маълумотларга қараганда, яқин 10 йил ичида электрон сигарета оддий тамакига нисбатан кўпроқ сотилади. Англияда чекишни тақиқловчи қатор қонунлар кучга киргач, болалар ўртасида астма касаллиги кескин камайган. Тумани Альбионда бугунги кунда чекишга қарши кураш доирасида қатор тартиб-қоидалар рўйхатида туради. Уларнинг кўпчилиги ёшлардан иборат. Жаҳон соғлиғи сақлаш ташкилоти жамоат жойларида чекишни тақиқлаш, вояга етмаганларга уни сотмаслик масаласини бот-бот эслатиб туради.

да канцероген моддалар мавжуд. Оддий тамакини чеккан пайтда инсон танасига минглаб, балки ўн минглаб турли моддалар сингади, шундан бир неча юзтаси канцерогендир. Электрон сигаретада эса инсон фақат никотинни ютади.

Францияда ҳам тамаки маҳсулотлари қутиларини қадоқлаш борасида янги тартиб-қоида жорий этилмоқда. Унга кўра, барча сигарета қутилари унификация қилиниши лозим. Тамаки ишлаб чиқарувчи компаниялар сигарета номларини бир хил шрифт билан белгилашга мажбур. Акс ҳолда қонунга итоат қилмаганлар жаримга тортилади. Маълумотларга қараганда, мазкур давлатда ҳар йили 70 минг киши чекиш туфайли вафот этмоқда. Мамлакатда яшаётган аҳолининг 28 фоизи ашаддий кашандалар рўйхатида туради. Уларнинг кўпчилиги ёшлардан иборат. Жаҳон соғлиғи сақлаш ташкилоти жамоат жойларида чекишни тақиқлаш, вояга етмаганларга уни сотмаслик масаласини бот-бот эслатиб туради.



Электрон сигарета болалар, айниқса, ҳомилалар аёллар саломатлигига жиддий хавф туғдиради.

Яқин йиллар ичида Европа Иттифоқи мамлакатларида таркибидан ванил, мева ёки яллиз бўлган ҳушбўй ҳид тарқатувчи сигарета сотишни ҳам тақиқлаш масаласи илгари сурилмоқда. Айни пайтда Европа парламенти ушбу лойиҳа устида иш олиб бормоқда. Кўна китъада ОИТС, ўз жониға қасд қилиш, наркотик модда қабул қилиш ёки йўл транспорти ҳодисаларига нисбатан чекиш туфайли бевақт кўз юмаётган одамлар сони 4 баробарга кўп.

Ҳисоб-китобларга кўра, Канада, Ирландия, Норвегия, Исландия, Финляндия каби мамлакатларда чекувчилар сони камайган. Мазкур давлатларда сигареталар пештахта ортидан сотилади. Қутиларга одаддагидан кам, яъни 20 та эмас, балки 10-15 та сигарета донаси жойлаб сотилмоқда.


Буюк Британиядаги йирик темирйўл компаниялари ҳам электрон сигаретанинг йўловчилар саломатлигига жиддий зарар етказётганидан шикоят қилмоқда. Бундай сигаретанинг яна бир хавфли томони ҳам бор. Яқинда Мерсисайд графлигида яшовчи 62 ёшли фуқаро сигаретани электр тармоғидан қувватга киритаётган пайтда юзага келган қисқа туташув оқибатида ҳалок бўлган. Ушбу графликда бир йилда 9 маротаба электрон сигарета билан боғлиқ нохуш воқеалар рўй берган.

Азимжон ПҮЛАТОВ

Соғлом авлодни тарбиялаш жамиятнинг юртимизда яшаётган ҳар бир инсоннинг асосий вазифаси, инсоний бурчидир. Юртимизда жисмонан ва маънан соғлом авлодни вояга етказишга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратишмоқда. Бу борада тиббиёт, аҳоли соғлиғини янада яхшилаш, энг муҳими, миллат генофондини сақлаш борасида кенг кўламли ислохотлар олиб борилаёттир. Мамлакатимиз Жаҳон соғлиғини сақлаш ташкилотининг тамакига қарши кураш бўйича конвенциясига қўшилган. Жойларда “Алкоголь ва тамаки маҳсулотлари тарқалиши ва истеъмоли қилиниши чеклаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни ижроси таъминланмоқда. Шунга қарамай, юртимизда алкоголь ва спиртли маҳсулотлар тарқалиши ва истеъмоли қилиниши ҳолатлари учраб турибди. Бошқача айтганда, бу муаммо бизни ҳам четлаб ўтмаяпти. Ёшлар, айниқса, аёллар ва ўсмирларнинг миллий қадриятларимиз, айнава ва одобимизга ёт бўлган бундай зарарли иллат домизга илҳайитгани ачинарли ҳол. Бу борада чекишни оғир асоратлари ҳақида жамоатчиликни доимий хабардор қилишни йўлга қўйиш, тамаки ташвиқотига қарши кескин курашиш, соғлом турмуш тарзига эътилоши тарғиб қилишда барча саъй-ҳаракатларни бирлаштириш муҳим аҳамиятга эга. Зеро, бу масала келажак авлодлар камолотиға дахлдор.

→ **Дунё бўйича бир йилда тахминан 6 триллион дона сигарета чекилмоқда. Йил давомида кашандалар сигарета сотиб олиш учун 500 миллиард АҚШ долларидан ортиқ маблағ сарфламоқда.**

→ **Электрон сигаретани Аргентина, Австралия, Уругвай, Панама ва Колумбия мамлакатларида сотиш ҳозирги кунда қонун орқали белгилаб қўйилган.**



Мутахассислар электрон сигарета ҳам оддий тамакидан фарқ қилмайди, аксинча ундан-да зарарлироқ, дейишмоқда. Электрон сигарета никотинли картриж, электрон чип, литийли аккумулятор ва миттигина диодли ёриткичдан иборат. Кашанда уни чекканда сигарета ҳидини сезмайди. Ундан фақат сув буғи кўтарилади, холос.

Электрон сигарета таркибида кўрғошин, маргимуш ва бошқа токсик моддалар борлиги аниқланган. У атроф-муҳитга зиён етказмаса-да, чекувчининг соғлиғига жиддий путур етказиши мумкин. Ваҳоланки, соғлом турмуш тарзига риоя қилаётган инсонлар кашандаларга нисбатан 15 йил узоқ умр кечириши тажрибада исботланган. Бошқача айтганда, электрон сигарета яратилганига анча муддат бўлганига қарамай, чекувчилар сони камайгани, инсонлар соғлиғи яхшилангани ё атроф-муҳитга етказилган зарар камайгани йўқ.

Маълумотларга кўра, тамаки тутунининг таркибида тўрт мингта яқин модда бўлиб, ҳаммаси инсон саломатлигини емириши тажрибаларда исботланган. У қон таркиби ва айланганини бузиб, томирларни қотиради. Кашанда соғлиғи билан бирга вақтини ҳам йўқотади. Ҳар қуни ўртача бир қути тамаки чекиш умри бир ярим соатга қисқартириш билан баробардир. Бу ҳисоб умумийлаштирилса, бир йилда йигирма уч кунни, ўн олти

Рангин дунё

Ер юзиде 1500 га яқин ҳаракатдаги вулқонлар мавжуд. Улардан ҳар йили йигирма-ўттизга яқини отилиб туради. “Вулқон” атамаси лотин тилидаги “volcanus” сўзидан олинган бўлиб, “осмондаги олов” маъносини англатади. Қадимги римликларда олов ҳомийсининг исми ҳам “Вулкан” бўлган.

Бугун ҳаракатдаги энг хавфли вулқон Попокатепетль вулқонидир. У Мексиканинг Эль Попо шаҳрига яқин жойлашган бўлиб, ҳар йили ҳавога минг тоннадан зиёд захарли газ чиқаради. Бу ерда отилган вулқонларнинг ўз номи ва келиб чиқиш тарихи бор. Айниқса, ўтган асрнинг 40-йилларида жўҳоризорда ҳосил бўлган Парикутин вулқони катта шов-шувга сабаб бўлган эди. Ушанда вулқон туфайли ўнлаб қишлоқлар кулга айланиб, 18 квадрат километрга яқин ҳудуд вулқон домида қолган. 1952 йилда Парикутин вулқонининг баландлиги 2774 метрга етди. Айни пайтда вулқон сўниб бўлган. Шунга қарамай, маҳаллий аҳоли ҳар йилнинг февралда Парикутин вулқонини отилган кунни ёдга олади.

Галпи бежиз вулқонлардан бошламадик. Негаки, бу мамлакатда вулқонлардан қолган ўралардан унумли фойдаланилади. Ҳозирда Парикутин вулқони отилган майдонда жўҳори экилмайди. Бу ер вулқон ишқибозлари ва рассомлар зиёрат қиладиган масканга айлантирилган. Мексиканинг катта шаҳарларидан бири — Гвадалахара эса ўзининг “яшил вулқони” билан дунёга машҳур. “Депортиво Гвадалахара” ёхуд “Чивас” футбол жамоасига қарашли “Омнилайф” стадиони сўнган вулқон ўрнида қад ростлаган замонавий спорт иншоотлари сирасига кириди.

Лойиҳани француз архитекторлари Жан-Мари Массо ва Даниэль Пуже вулқонлардан илҳомланган ҳолда ишлаб чиққан. Стадион ҳақиқатан ҳам ташқи томондан конуссимон вулқон ўрасига ўхшайди. Иншоот экологик талабларга тўлиқ жаваб беради. Ҳар томонлама тежамкор стадион ёмғир сувларини тўплаш хусусиятига ҳам эга. Бундай сувдан иншоот ҳудудидаги ўсимликларни суғориш мақсадида фойдаланилади. Қайта тазаланган сувлар санузелларни обихаёт билан таъминлайди. Хоналар табиий

“Самовий кема”

ёхуд сўнган вулқон ўрнида қад ростлаган стадион



вентиляция тизими ҳамда электр манбаини тежайдиган ёритиш мосламалари билан жиҳозланган.

2010 йилда фойдаланишга топширилган иншоот бир қарашда яшил вулқон тоғи устида турган оппоқ “самовий кема”ни эслатади. Улчами 105х68 метрга тенг футбол майдони айнан шу “кема” ичида жойлашган. Стадион 45 мингга

яқин футбол ишқибозини ўз бағрига сиғдира олади. Бундан ташқари, иншоот 8500 машина қўйиш жойи ва 450 ўринли махсус болалар ўйингоҳига эга.

“Омнилайф” стадиони томига кетган металлоконструкция баландлиги 41 метр, оғирлиги эса 3300 тонна. Аввалида томини азростат кўринишида ёпиш кўзда тутилган. Бироқ, сарф-харажатлар бунга йўл қўймага-

ни боис, шамолга чидамли оқ мато тартиб қўйилган. Ҳозирда стадионнинг оқ мато тартилан томи ўзига хос реклама баннери вазифасини ҳам ўтайди. Футбол жамоаси учун ажратилган хона, машғулот зали ва офислар иншоотнинг ўрта қисмида бўлиб, футбол майдони ойнаванд деворлардан яққол кўриниб туради. Архитекторлар иншоотни

Уйи йўқлар меҳмонхонага

АҚШ пойтахти Вашингтонда уйсизлар сони тўрт минг кишига етди.

Шаҳар маъмурияти томонидан айрим уйсизлар меҳмонхоналарга жойлаштирилмоқда. Нархларнинг кўтарилиши ва даромаднинг пайсари оқибатида юзлаб оилалар хайрия ташкилотларига мурожаат қилишга мажбур бўлишган. Шаҳар маъмурияти меҳмонларга ҳар куни қарийб 400 та хона учун пул тўламоқда. Кузатувчиларнинг фикрича, бу муаммога ечим бўла олмайди. Гарчи шаҳарда уй-жойлар қурилатган бўлса-да, уларни сотиб олишга баъзи оилаларнинг қурби етмайди. “Euronews” хабарига кўра, ҳукумат томонидан мазкур масалани ҳал этиш учун қўшимча 345 миллион АҚШ доллари миқдориде маблағ ажратилиши режалаштирилган.



Боғдодда ҳаммаёқ тинч...ми?

Ироқ пойтахтида сўнгги ўн йил ичида илк маротаба комендантлик соати бекор қилинди.


Шу пайтгача мамлакатда комендантлик соати ярим тундан эрта-лабки соат бешгача амал қиларди. Шаҳарда ўрнатилган ҳарбий постлар маҳаллий аҳоли учун доимий манзарага айланиб кетган. Мазкур ҳолатнинг бекор қилиниши ҳақидаги қарор шанбадан яқиндан ўтар кечаси кучга кирди. Маҳаллий аҳоли энди бемалол сайр қилиш, савдо қилиш имконидан мамнун. Айтиш лозимки, комендантлик соати тунги хавф-хатарларнинг олдини олишга қаратилган эди.

Хабарларда ёзилишича, амалдаги тартиб бекор қилинишидан бир неча соат аввал ҳам шаҳарда бирданига учта жойда портлаш содир бўлган. Оқибатда 30 киши ушбу қўпорувчилик ҳаракатининг қурбонига айланган, 60 киши жароҳатланган.



Глобал исишга қарши

Женевада глобал исиш назорати бўйича ишчи гуруҳнинг олти кунлик учрашуви бошланди.




Учрашув БМТнинг декабрь ойида Парижда ўтказилиши режалаштирилган иқлим ўзгаришлари бўйича навбатдаги конференцияси олдиан ташкил этилган. Маълумотларга кўра, ўтган йил сайёрамиздаги ўртача йиллик ҳарорат бўйича энг иссиқ йил бўлган. Экологлар агар тобора иссиқ бориш тенденцияси давом этса, аср охирига бориб сайёрамиздаги ҳаво ҳарорати 4-5°C га кўтарилади ва бу ҳаёт учун нохуш оқибатларга олиб келиши мумкин, деб таъкидлашмоқда.

Иш ўринлари қисқартирилади

Германиянинг “Siemens” компанияси 7 800 нафар ходимини ишдан бўштиришни эълон қилди.

Германия ҳамда Европанинг етакчи саноат концерни ўтган йил май ойидан буён ўзининг кўп тармоқли бизнесида кенг миқёсдаги ислохотларни амалга ошириб келмоқда. Маълумотларга кўра, “Siemens”нинг соф даромади ўтган чоракда 25 фоизга тушиб кетган. Концернда дунё миқёсида 340 минг ходим меҳнат қилади. Уларнинг ҳар учинчиси, яъни 115 минг киши Германияда ишлайди. Тахминларга кўра, бу ерда 3.3 минг киши иш жойидан маҳрум бўлиши мумкин. Умумий ҳисобда иш ўринларини қисқартириш эвазига икки йилда 1 миллиард евро маблағни тежаш режалаштирилган.



Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

лойиҳалаштиришда яна бир муҳим жиҳатни эътиборга олишган. Яъни, футбол ўйинлари ўтказилмайдиган кунларда стадион истироҳат боғига айланади. Айниқса, скейтборднинг ишқибозлари учун бу ерда барча шароит мавжуд. Иншоот меҳмонхонаси 3500 ўринга мўлжалланган бўлиб, меҳмонлар ҳордиқ чиқариши ҳамда табиат манзараларидан истиганча баҳра олиши мумкин. Қолаверса, спорт мажмуида хизмат кўрсатиш шохобчаларидан тартиб, футбол мавзусига бағишланган махсус му-

зей фаолият кўрсатмоқда. Мексикаликларнинг футболга иштиёқи доимо баланд бўлган. Бунга “Яшил вулқон” ёхуд “Омнилайф” номи билан дунёга танилган стадион мисолида ҳам амин бўлиш мумкин. Футбол ишқибозларининг қалби қайноқ, дейишади. Шундай экан, ҳайбатли вулқондан илҳом олиб бунёд этилган ушбу стадион эса ишқибозлар учун чексиз қувонч, ҳис-ҳаяжон ва ўтли ҳарорат муҳитини яратиб беради.

Зафар МУҲАММАД

14 февраль — Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллуд топган кун

Бобур қомуси нашрдан чиқди



Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг ижоди ва инсоний қасидалари бугунги авлод учун ибрат мақбидир. Юртимизда Бобур ва бобурийлар меросини ўрганиш юзасидан кенг қўламли тадқиқотлар олиб борилаётган.

дай улкан илмий маҳсулот яратилишининг икки муҳим омили бор, биринчиси, буюк истиқлол ғояларининг илмий ҳаётдаги тантанаси, амалиётидир. Чунки миллий қадриятларни эъозлаш ва ўрганиш том маънода янги, мустақиллик даврининг ғояси ҳисобланади. Иккинчиси, истиқлол билан деярли тенгдош бўлган Бобур халқро жамоат фонднинг таъсис этилишидир. Ана шу икки омили Бобур қомуси яратилишига имкон берди. Халқро Бобур илмий экспедициясининг турли мамлакатларга уюштирилган йигирмадан зиёд сафар натижасида Темур ва темурийлар, Бобур ва бобурийлар ҳақида чет элларда яратилган ўндан ортиқ тиллардаги тўрт юздан ортиқ ашёвий ёдгорликлар олиб келиниб, Андижон шаҳридаги Бобур миллий боғига қарашли "Бобур ва жаҳон маданияти" музейига топширилди. Уларнинг энг муҳимлари таржима қилиниб ва нашр этирилди. Шунингдек, Бобур ижодини ҳар томонлама таҳлил ва тарғиб қилаётган ўзбек олимлари мунтазам рағбатлантириб борилди. Натижада фонд жамғармаси кўмағида ўттиздан ортиқ Бобур ва бобурийларга оид илмий, илмий-оммабоп ва бадий асарлар нашр этилди.


Мазкур энциклопедиянинг яратилишида юртимиздаги кўзга кўринган адабиётшунос, тилшунос, тарихчи, географ, биолог, элшунос, тиббиёт, картограф ва шарқшунос олимлар ўз ҳиссасини қўшди. Салкам уч йиллик мунтазам меҳнат мақолалар ёзиш, йиғиш ва уларни таҳрирдан ўтказиш ишлари 2014 йилнинг кузига нисбатан етди. Бугун ушбу салмоқли нашрни варақлаб, беш мингдан ортиқ мақолани жамлаган бобурий қомусининг жўғрофий камровини ҳис қилиш мумкин. Япониялик машҳур бобурийшунос, профессор Эйж Манонинг: "Заҳириддин Муҳаммад Бобур энциклопедияси"

дир" мономентал нашр бўлиб, у нафақат бобурийшунослик, балки айни пайтда темурийлар тарихи ва Марказий Осиё тадқиқотлари соҳасига ҳам қўшилган йирик ҳиссадир. Энциклопедия юқори савияда тайёрланган, у жаҳондаги барча шарқшунослар учун муҳим қўламли бўлмоғи лозим" деган таъкид ҳам фикримиз далили бўла олади.


Дарҳақиқат, мазкур китоб ҳалқимизнинг бошқа буюк тарихий намоёндалари, мутафаккирларига оид қомусларни яратишда илк тажриба сифатида ҳам катта аҳамиятга эгадир.

Қомусдан ўрин олган Бобур исмининг кирилл ва лотин алифбосидаги насларда ёзилишига оид илова, Бобур ҳаёти ва фаолияти мавзусига бағишланган диссертациалар рўйхати, "Бобурнома" хронологияси, Бобур асарларидаги арабча жумлаларга шарҳ ва изоҳлар, харита ва безаклар мазкур нашрнинг илмий қиммати ва аҳамиятини оширган.

Ушбу қомуснинг аънавий энциклопедиялардан фарқли жиҳати унда оддий луғат, изоҳли луғат ва маълумотлардан ҳам фойдаланилган. Чунки, ҳарбий истилоҳларга оид ўнлаб сўзлар, тақвим ва ой-кун, вақтга дахлдор ҳиндча, арабча, форсча атамалар, узунлик



Ваҳоб РАҲМОҲОВ



ўлчовлари ва алоқа хизматлари, сиёсий дипломатик истилоҳларга оид сўзлар ўрин олган. Ушбу изоҳларсиз "Бобурнома" ҳамда "Заҳириддин Муҳаммад Бобур энциклопедияси" си ўқувчиси Бобур сўзларини тўғри тушуниши қийин кечиши аниқ.

Агар XIX асрнинг биринчи ярмида ғарбий Европада бобурийшунослик илми шакллана бошлаган бўлса, XXI асрнинг бугунги даврида истиқлол шарофати билан бобурийшунослик тўла шаклланиб, жаҳон бобурийшунослик маркази Ўзбекистонга кўчди. Бунинг энг ёрқин далили қўлампидаги "Заҳириддин Муҳаммад Бобур энциклопедияси" дир.

Муҳтасар айтганда, "Заҳириддин Муҳаммад Бобур энциклопедияси"нинг яратилиши мамлакатимиз маданий, илмий ҳаётида муҳим воқеа бўлди. Бу эзгу ишга мамлакатимизда тобора ривожланиб бораётган нодавлат нотижорат ташкилотлари ва кенг жамоатчилик, бобурийшунос олимлар ва фидойи зиёлилар муносиб ҳисса қўшди. Зеро, ушбу қомус муқаддимасида Президентимиз сўзларидан иқтибос келтирилганидек: "Заҳириддин Муҳаммад Бобур каби муҳтос инсонларни дунёга берган халқ ҳеч қачон хор бўлмайди, муқаррар тарзда саодатга эришади".

Қарор ва ижро



Хунармандлик ривожланмоқда

унга отаси Т.Пирматов устозлик қилгани намоён бўлади.

Кўргазмадаги "Ёш оила", "Пилла хирмонда", "Гилам тўқувчи қизлар", "Пахтакорларимиз", "Сен етим эмассан", "Маккажўхори етиштирувчилар", "Уйғунлик", "Баҳор манзараси", "Тандир" каби асарлар илҳомландиргани мулоҳазага қорлайди, турмуш тарзини тарихи, ҳаёт фалсафаси ҳақида ўйлашга ундайди.

Улар туғилиб ўсган заминга муҳаббат ифодаси миллий руҳ билан йўрилгани, содда ва самимийлиги билан дилга яқиндир.

Кўргазма шу йилнинг 25 февралига давом этади.

Ҳасан АБДУНАЗАРОВ

меҳнатини муносиб рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётган.

Ижодий мактаб-студия мана, саккиз йилдики, фото санъатига қизиқувчи ёшларга амалий машғулотларда иштирок этиб, ўз билимларини мустаҳкамлаш, тенгдошлари ижоди билан яқиндан танишиш, тажриба алмашиш имконини бермоқда.

Бу галги кўргазмада ўн тўрт нафар ҳаваскорнинг юртимизнинг бетакрор табиати, маданияти, санъати, самимий ва меҳнатсевар одамлари акс этган икки юзга яқин ижодий иши намойиш этилмоқда.

— Тўрт йилдан буён фото-ижодкорлик билан шуғулланаман, — дейди Зебунисо Турғунжўзева. — Кўргазмада миллий аънава ва қадриятларимиз акс этган ижодий ишларим намойиш этилганидан ғоят хурсандман. Устозларим ва ёш ижодкорларнинг асарларидаги ранг-баранглик, услубий ёндашувларнинг ёрқин ифодаси мени янада самарали ижод қилишга ундамоқда.

Б. МЕЛИҚУЛОВА,
ЎЗА муҳбири

Кўргазма

Рангларда ҳаёт фалсафаси

Меҳр-муҳаббат, барақа рамзи бўлган, ғарқ пишган мевасини кўтаролмай шоклари ерга эгилган анор дарахти. Турли рангларни жамлаб гилам тўқитган кизлар. Ўзбек хонадонининг файзли ҳовлиси... Бу каби тасвирлар томошабиннинг кўнглига ажиб илиқлик олиб келади.

Бундай қадрдон манзараларни Ўзбекистон Бадий академиясининг Марказий кўргазмалар залида рангтасвир рассомлар Тешабой ва Шавкат Пирматов ижодида бағишланган хотира кўргазмасида кузатиш мумкин. Кўргазмадан 100 дан ортиқ рангтасвир ва графика

асарлар жой олган. Кенг қўламли, табиат гўзаллигини намоён этувчи бу асарларда оддий одамларнинг фидокорона меҳнати, қишлоқ манзаралари, йил фасллари, миллий қадриятларни акс эттириш асосий ўрин тутган. Рангтасвирчи рассом Т.Пирматов олий ўқув юртини тамомлаб, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетида тасвирий санъатдан талабаларга сабоқ берган бўлса, унинг ўғли Шавкат юртимиз ва халқро миқёсда ўтказилган кўргазмаларнинг фаол иштирокчиси эди. Муаллиф асарларидаги композициялар, манзараларни кузатар экансиз,

Юрт манзаралари



Тошкент Фотосуратлар уйида ушбу муассаса ҳузурида ижодий мактаб-студия битирувчиларнинг навбатдаги кўргазмаси очилди.

Давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 6 февралдаги «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган кўшимча чора-тадбирлар

тўғрисида»ги қарори асосида ташкил этилган кўргазмада ижодий ташкилотлар вакиллари, санъатшунослар, мусаввирлар, фотоижодкорлар, санъат илҳомчилари иштирок этиди. Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида ёшлар истеъдодини юзга чиқариш, уларнинг самарали ижод қилиши учун зарур шароит яратиш,

ТИББИЙ МАСЛАҲАТ

Қаришни секинлаштиради

Киви — ўз таркибида кўплаб фойдали минерал ва витаминларни сақловчи шифобахш мева. У, айниқса, озишни истеъмол қилган одамлар учун фойдали. 100 грамм киви таркибида 47 килокалория мавжуд. Унинг атиги бир донаси С витаминига бўлган кунлик эҳтиёжни қондириши мумкин.

Шунингдек, бу мева фойдали хусусиятга эга бўлиб, тез қаришнинг олдини олади. Агар кунига мунтазам 2 донадан киви истеъмол қилинса, тери тўқималаридаги регенерация жараёнини кучайтирадиган антиоксидантларга бўлган суткалик меъёр таъминланади. Агар сочларингиз сержило бўлишини, тирноқ билан боғлиқ муаммолар, шунингдек, ҳолсизлик пайдо бўлса, у ҳолда киви истеъмол қилиш тавсия қилинади. Боиси киви таркибида сочларни мустаҳкамловчи, тирноқ ҳолатини яхшиловчи ретинол моддаси мавжуд. Киви кишига қўшимча энергия, куч ва тетиклик бағишлагани боис мунтазам спорт билан шуғулланувчилар учун ҳам фойдали. Бу мевада витамин ва минераллар сероб бўлганлиги сабабли шифокорлар уни нафақат озишни хоҳловчиларга, балки ҳомиладор аёлларга ҳам тавсия қилади. Бироқ ҳарчанд фойдали бўлмасин, кивининг ҳам салбий жиҳатлари бор. Киви гастрит билан оғриган беморларга тавсия этилмайди. Бу жараёнда уни истеъмол қилиш вазиятни янада чигаллаштириши мумкин. Шунингдек, у ошқозон яраси ҳамда буйрак билан оғриган беморларга ҳам буюрилмайди. Чунки, унинг таркибида кўп миқдорда сув мавжуд бўлиб, буйрак билан оғриган беморларга зиён етказиши мумкин.

БИЛАСИЗМИ?

Бир-уч ойлик чақалоқ йўлаганда кўз ёши ажралмайди.

Олти-етти ёшли бола бир вақтнинг ўзида ҳам нафас олиши, ҳам ютиниши мумкин.

ТУРФА ОЛАМ

Энг қадимий мунчоқ

Палеонтологлар Олтойда улкан топилмани аниқлашди. Денис ғорида топилган мазкур топилма бугунги туркларнинг энг қадимийсидир.

Тахминий ҳулосаларга кўра, топилманинг ёши 40 минг йилдан ошади. Олимлар уни бу жой учун ноодатий топилма эканини, ва бу маҳаллий одамларнинг яшаш тарзи борасидаги тахминий мулоҳазаларга ойдинлик киритиши мумкинлигини қайд этишмоқда. Мазкур топилманинг ёши борасидаги масалага ойдинлик киритиш мақсадида у Буюк Британияга жўнатилди. Қайд этиш лозимки, сўнги йилларда археологлар ва палеонтологлар Олтойда қадимги одамларнинг яшаш тарзи, маданияти ва тараққиёт босқичларини ўрганишга алоҳида эътибор қаратишмоқда. Олимлар Олтой ўлкасида одамлар тош асрдан буён яшаётганини эътироф этишмоқда.



Токдан қувват оладиган автобус

Хитойнинг BYD Motors машинасозлик тармоғидаги етакчи саноат компанияси аккумуляторни бир маргалик қувватлантириш ҳисобига деярли 200 мил масофани (320 километр) босиб ўтиш имкониятига эга, электр узаткичи шаҳарлараро қатнашга мўлжалланган автобусни оммага тақдим этди.

BYD C9 деб номланган мазкур автобус русуми биринчи марта Янги Орлеандаги United Motorcoach Association Expo кўргазмасида намойиш этилди. Автобуснинг узунлиги 40 фут (12 метрдан узунроқ), 47 йўловчига мўлжалланган. 190 милдан ортиқ масофани босиб ўтиш имкониятига эга мазкур транспорт воситаси шоссе йўларида 62,5 мил (100 км/соат) тезликка эриша олади. 365 кВт сизимга эга аккумулятор батареяси 2 соат давомида 200 киловатт миқдорда қувватланади. Ихтирочилар батарея 12 йил хизмат қилса ҳам ўз қувватини 80 фоизгача сақлаб қолишини қайд этишмоқда. 2015 йилда BYD, шунингдек, шу туркумга мансуб яна иккита моделни бозорга чиқаришни режалаштирган.

Ш.ФАҲФОРОВ тайёрлади

"Миллий тикланиш" газетаси жамоаси газетанинг Андижон вилояти бўйича муҳбири Замира Рўзиевага ўғли

Шухрат МИРЗАМатовнинг

бевақт вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

ЎзМТДП Сурхондарё вилоят кенгаши кенгаши раиси ўринбосари Сайфулла Турсуновга падари бузруквори

НАЗРУЛЛА отанинг

вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.

ЎзМТДП Сурхондарё вилояти кенгаши Жарқўрғон туман кенгаши раиси Абдулазим Самановга волидаи муҳтарамаси

БИБИХОЛ аянинг

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

ТАХРИР ХАЙЪАТИ: Сарвар ОТАМУРАТОВ, Илҳом АБДУЛЛАЕВ, Аҳром АҲМЕДОВ, Сувоп НАҲБИЛДИНОВ, Муҳаммадҷон ҚУРОНОВ, Улғабек МУҲАММАДИЕВ, Акмал САИДОВ, Жалолиддин САФОВ, Ахтам ТУРСУНОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Исмаил ХУДОЕВОВ, Эркин ДОРИПОВ, Абдуғафур МАМАТОВ, Арслон ЭШМУРОДОВ

Беш муҳаррир: Бехзод НОРБОВ

ТАХРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент-100000, Амир Темур кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди
ТЕЛЕФОНЛАР: (0-371) Кабулхона (факс): 234-69-55, Парламент ва маҳаллий Кенгаш депутатлари фойдаланиш бўлими: 234-01-47, Партия ҳаёти бўлими: 234-86-41, Мадааният, маънавият ва ахборот бўлими: 234-87-73, Бош муҳаррир биринчи ўринбосари: 234-87-74, Бухгалтерия: 234-87-73.

Ҳажми 4 босма табоқ офсет усулида босилди. Қўғоз бичими А-2
«ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди.
Қорхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй

Газета ҳафтанинг чоршанба кунини чиқади.
2008 йил 29 октябрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан № 0223 рақами билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма — Г 225, Адади — 12876. Газетанинг баҳоси келишилган нарҳда.
Набатчи муҳаррир: Шохидда ДАМАНОВА
Набатчи: Шаҳзод ФАҲФОРОВ
Саҳифаловчи: Акбар ШОДИЕВ
Электрон почта: e-mail: mtiklanish@mail.ru
Босишга топшириш вақти — 21.30.
Топширилди — 1.50.
ISSN 2010-7714